

8443

0-96



Муҳаммад Очиллов

БЕРМУД УЧБУРЧАТИ





МУҲАММАД ОЧИЛОВ

1953 йилда Қашқадарё область Яққабой район «Қизил Юлдуз» колхозида туғилган. 1978 йил ТошДУнинг биология-тупроқшунослик факультетини тугатган.

«Нишонга теккан ўқ», («Еш гвардия» 1983 й.) «Ҳажв гулдастаси», «Қуллуқ» («Муштум кутубхонаси» серияси) тўпламлари чоп этилган.

У Қашқадарё область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати.

Ҳозирда Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи Қашқадарё область бўлимида ишламоқда.

84.93
0-95 МУҲАММАД ОЧИЛОВ

БЕРМУД УЧБУРЧАГИ

014690

Ўзбекистон ЛҚСМ Марказий Комитети
«Ёш гвардия» нашриёти
Тошкент
1990

А 4702620201 — 80 75—89
356(04)—89

ISBN 5—633—00228—8

© „Ёш гвардия“ нашриёти, 19



МАРТАБАДОШЛАР МАЖЛИСИ

— Бир қулинг ўргилсин жойда «базми-жамшид»имиз бор... Вақтинг қалай?

Ие, «базми-жамшид» бўлади-ю, вақт топилмайдими! Зиёфат — ўзи кўп яхши нарса. Янги одамлар билан танишасан. Мундайроқ мартабалироқ одам билан танишсанг, келажагингга ҳам яхши.

Малик «базми-жамшид» деганда ана шу нарсаларни хаёлидан ўтказди. Шу сабабли дўстининг таклифига ичдан қувонса-да, си-полик учун сўраб қўйди:

— Қанақанги «базми-жамшид», ёки бирортасининг тўйими?

— Йўқ, шунчаки ёшлигимиздаги ўртоқлар, бирга ўқиганмиз. Ҳозир кимсан, казо-казо одамлар! Танишиб олсанг, зарар қилмайсан.

— Унчалик бўладиган бўлса, майли...

Такси машинаси уларни шаҳарнинг энг гўзал «Қоракўз» кафеси ёнига олиб бориб ташлади. Утириш шу кафеда бўлаётган экан. Малик машинадан тушиб атрофга боқди. Енгил машиналар босиб кетибди. Турли тақинчоқлар илиб ташланган «Жигули»лар, сутранг, қўнғизранг «Волга»лар. Ҳатто бир «Чайка» машинаси ҳам кўзга ташлангандек бўлди.

Малик «Вой-бў!» — дегандек дўстига қараб қўйди, дўсти эса жилмайганча унинг тирсагидан тутиб ичкарига бошлади. Зиёфатхонада эса қизгин суҳбат, қаҳ-қаҳа авжида, сигарет кўп чекилганлигидан шифтда бир қават кўкиш парда ҳосил бўлган экан.

Малик ўтирганларга назар солди: барчаси савлатли, салобатли кишилар. Ҳаммасининг бағбақалари селкиллаб, юзлари чироқ ёғдусида ялтирарди.

Маликнинг дўсти ўтирганлар билан қучоқлашиб, «чўлп-чўлп» ўпишиб чиқди, кейин икковлари бир чеккага ўтиб чўкишди.

Давра тўрида ўтирган қора костюмли, капалак нусха галстук таққан, пахса елкалик барзангидек бир киши ўрнидан турди, томоғини бир қириб олгач, сўнг гулдираган товуш билан деди:

— Қани, қадаҳларни тўлдирайлик, дўстлар. Кечикканларга штрафной бўлсин! Хўш-ш, значит, алёр айтиш учун навбат дўстимиз Мирваққос Мирғаниевга...

Ҳамма чапак чалди. Столнинг нариги чеккасида, тиззасида бола олиб ўтирган одам «ҳм» деди-ю, тиззасидаги болани ёнидаги бўш стулга ўтқизиб, ўрнидан қўзғалди. Ма-

ликнинг дўсти чапак чала туриб залдагиларни таништира бошлади.

— Тўрда ўтирган тамада — райпотребсоюзнинг раиси бўлади...

— Йўғ-е, мен уни артистми дебман, галстугини қара-я?

— Артист ҳам бор, ана ҳў! — Маликнинг дўсти бир чеккада тик турганича ёнидаги аёлга хушомад қилаётган озғин, соқол-мўйлови тутшиб кетган йигитни кўрсатди. — Оти Собит. Райкультуранинг бошлиғи. Тўйларни гуллатади-да...

Бу орада Мирваққос Мирғаниев бир тебраниб олди-да, сўз бошлади:

— Ўртоқлар!.. Азиз ва ҳурматли ўртоқлар, қадрдонларим! Мана, биз орадан ўн беш йил ўтгач, яна дийдор кўришиб... тоес, учрашиб ўтирибмиз. Бундан ўн беш йил бурун биз йигирма ёш қалб ҳаётга йўлланма олган эдик. Шундан Орифжон растрат қилиб қамалганлиги, Бибигулнинг фарзанд кўриб, узрли равишда келолмаганлигини ҳисобга олмасак, қолган ўн саккиз нафаримиз шу ердамиз. Бундан ташқари бу ерга фарзандларимиз (у ёнидаги жингалак сочли ўғлининг бошини силади) ҳам ташриф буюришган. Шу ерда ўтириб, ҳозир бир нарсани ўйлаб кетдим. Бундан ўн беш йил олдин ким эдиг-у, эндиликда ким бўлдик. Мана, масалан, Одилни олайлик, — Мирғаниев шундай дея ёнидаги бақалоқ кишини қўлини бигиз қилиб кўрсатди. Бақалоқ эса ўз номини эшитиб қалқиб тушди, оғзидаги чучварани косага тушириб юборди-да, салфетка билан лаблунжини шоша-пиша артганча но-тиққа ҳайрон бўлиб қаради.

— Мана шу Одилчамиз, — гапида давом этди нотик, — ҳозир кимсан, Одил Собитович. Кимсан, катта бир универмагнинг директори. Олдин ким эди? Маликанинг кетидан югуриб, сарғайиб юрган бир савдойи эди.

Залда гур-р кулги кўтарилди.

— Маликахон ҳам ҳозир хожатбарор хизматдалар, — сўзида давом этди Мирғаниев. — Шаҳар паркида газсув сотиб, бемалол оилаларини тебратиб юрибдилар. Мен эса, ўзларингга маълум, қассобман. Дўстлар учун ҳамиша суяксиз гўшт менда мунтазир. Шу қадаҳни...

Кейинги сўз навбати Мамашариф Ғўндиёвга берилди.

— Бу ўртоғинг нима иш қилади? — шипшиди Малик дўстининг қулоғига.

— Таксист!.. — деди дўсти мағрурланиб, сўнг қўшиб қўйди. — Жуда мардда ўзи қурғур, шу ўтиришнинг чиқимини ўз гарданига олган...

— Ўҳ-ў! — деб қўйди Малик такси ҳайдовчига ҳайратомуз тикилганча.

Мамашариф бир нафас шипга қараб қотиб қолди, сўнг залда ўтирганларга қараганча яна бир оз жим турди. Афтидан нима деб гап бошлашни билмаётган эди. Охири бўлмади шекилли, чўнтагидан ён дафтарчасини олди.

— Бу, Шарифбой, шпаргалкадан фойдаланиш касалинг ҳали ҳам қолмабди-да, сенинг! — дея кимдир ҳазил қилди. Яна зални кулгу тўлдирди. Мамашариф эса пинагини бузмасдан дафтарчасига қараганча сўз бошлади:

— Азиз дўстлар! Ҳозир сизларга қараб

турибман-у, лекин ўн беш йил олдинги қувноқ ҳаётимизни кўз ўнгимга келтириб хўрлигим келиб турибди. Оҳ, қандоқ даврлар эди! Қани энди у дамлар, ширин хотиралар! Ёшлик бамисоли кузда иссиқ ўлкаларга учган қушлар каби учиб кетди, қушлар баҳорда қайтиб келишади, лекин ёшлигимиз эса қайтиб келмайди...

Шундай дея, мастликданми, у ҳўнграб юборди. Такси ҳайдовчидан сўнг сартарош, фаррош, этикдўз ва яна аллақайси касб соҳиблари сўзга чиқишди. Қисқаси, ўтириш жуда мароқли ва кўнгилли ўтди. Ўтириш тугаб, қайтишаётганда дўсти Маликдан сўраб қолди:

— Хўш, қалай ўтди «базми жамшид»? Ўртоқларим ёқишдимми?

— Бўлмасам-чи, — деди Малик миннатдорчилик тарзида. — Жуда зўр бўлди-да. Ростини айтсам, қойил қолдим. Қара-я, бир синфдан шунча касб эгаси чиқибди-я?

— Бир синфдан дейсанми... Қўйсанг-чи, дўстим. Сен ҳали уларни синфдошларим деб ўйлаяпсанми, ахир улар курсдошларим-ку!

Малик бир зум дўстига тикилиб қолди. Унинг кўзига шу тобда сандиқларда чанг босиб ётган дипломлар кўриниб кетгандай бўлди.

ХОТИННИНГ ҚАРИНДОШИ

«Ғалаба» совхозининг директори Ғолибов ижроқўмдаги йиғилишдан таъби тирриқ бўлиб чиқди. Хурпайганча келиб машинанинг орқа ўриндиғига ўтираркан, хуноби ошиб ғудранди:

— Чорва маҳсулотларини етиштириш хўжаликда барбод бўлганмиш?! Етти хазиналардан ҳисобланган товук, ўрдак чўчқа... Тавба, мен уларни уйимга ташиб кетибманми? Олдинги директор нима қилган бўлса қилгандир-да! Асли бўлим бошлиғи бўлиб юрганим дуруст эди. Нима бу?! Отамдан эшитмаган сўкишни эшитиб!..

Директорнинг «буйруғи»ни кутганча ҳалидан буён жим ўтирган шофёр йигит анқайиб ортига ўгирилди:

— Менга гапираябсизми, Толиб ака?

Ғолибов ўз ёғига ўзи қоврилиб турган эмасми, жаҳл устида ўша «ёғи»дан шофёрга ҳам сачратди.

— Нима учун сенга гапираман! Бу нима деганинг! Одам қуригандай ўз шопиримга... Тавба, энди бу киши қолувди менга гап ташламаган...

Шофёр директорнинг қўполлигига кўникиб қолган эканми, пинак бузмади.

— Қайга ҳайдай?

— Энангни боғи-чорвоғига ҳайда! — баттар жизғинаги чиқди Ғолибовнинг. — Қаёққа, қаёққа?! Қаёққа бўларди, уйга-да... Тўхта-чи! Уйда пишириб қуйибдими, конторага ҳайда! Тавба, етти хазина-я! Сўкишни мана бизам биламиз...

Машина депсиниб жойидан жилди. Ҳаял ўтмай эса совхоз идорасига етиб келишди. Ҳамон жаҳлдан тушмаган Ғолибов машина эшигини зарда билан очиб, чап оёғини ташқарига чиқазди...

— Талиб Галипович!

Ғолибов хаёлини жиловлаб бошини кўтарди. Сочининг олди симоби, икки ёнбоши

эса жигартоб тусга бўялган котиба аёл унга томон тез-тез юриб келарди.

— Талиб Галипович! Приёмнида бир одам сизни кутиб ўтирибди. Ҳар празникларда келадиган... Танийсиз. Мордаси бирам нето-ей! Ану кўзи ҳам кривий-чи? Уша-да... Тағин, тез топ деб приказ ҳам қилди, бессовестный. Шунақа грубий... Тағин очки ҳам тақиб олибди. Такой чёрный...

Ғолибов ўнг оёғини ҳам машинадан чиқазди.

— Ҳм-м... Анови райфинда ишловчи ғилай ревизорми? Ўзи шу етмай турувди...

Ғолибов бир оз ўйлаб тургач, шоша яна машинага ўтирди.

— Менга қара, Гулсара! Кечирасан, Галяхон... Мени кўрганинг йўқ. Тушундинг? Мабодо катталар сўраб қолгудай бўлса, унда секин... анови чорва буғалтериникига одам жўнат. Уша ерда маслаҳат ошида бўламан... Хайда, ҳў-ўв, бефаросат!

Машина депсиниб яна жойидан жилгач, Ғолибовнинг хуноби баттар ошди: «Бир камим энди шу ревизор эди! Олдинги директор бунга ем едириб ёмон ўргатган-да! Ҳар байрам, ҳар сайилда келиб кўзига кўринган, қўлига илашганини ўмариб кетарди... Бир маротаба мендан ҳам бир қўй... Яна нимага келган бўлса? Нимага келарди, эски одати қўзиб бирор нарса таъмасида... Тағин ўзи қолиб, шопирига ҳам сўрагани. Шопирининг ҳам кўзи бежо тушган. Қора қозонга лойтувоқ дегани шу бўлса керак-да. Тавба, шопир ҳам одам бўлди-ю...»

Машина ўнқир жойга дуч келдими, қатиқ силкинди. Ғолибов чаккасига кийшиқ ту-

риб қолган шляпасини тўғриларкан, аламини яна шофёрдан олди.

— Хў-ў, ҳўкиз... Тўғри ҳайдасанг ўласанми-а?! Пешонангдаги кўзми у, ё пўстакнинг тешигими? Тараша ташиётганинг йўқ-ку, баччагар! Тўхтат! Йўқ, бу ерда эмас! Ҳов, анови... иккита олача чопон чиқиб турган дарвоза олдида.

Ғолибов машинадан тушаркан, бўйнини қашиб турган шофёрига сўнгги танбеҳни берди.

— Лой кечиб лақиллаб юрмасдан тўғри гаражга бор. Уқдингми? Бу ерда сенга пишириб қўйгани йўқ... Бир соатдан кейин келиб дарвозанинг олдида кутиб тур. Давай, жўна!

Ғолибов қовоғининг тахини бузмасдан ортига бурилиб дарвозахонада турганлар билан бош ирғаб совуққина саломлашди.

— Қани! Қани!.. — калишини пойма-пой кийган тўй эгаси шошиб чиқиб келди. — Вақтида келдингиз-да, директор бова! Қудалар ҳам...

— Йўқ! — Ғолибов қўл силтади. — Қудапудани йиғиштиринг... Мен ҳолироқ жойда... Биров ҳалақит бермасин!

— Бўлмаса пойгакдаги кичкина меҳмонхонага. Ҳамма нарса муҳайё!

Бир оздан сўнг Ғолибов меҳмонхонада биқинини болишга берганча ёнбошлаб ётар, ёлғизлик тафтини олдами, чиройи андак очилганди.

«Ҳа, энди катта хўжалик бўлгач, камчилик ҳам бўлади-да, — аччиқ чойни босиб-босиб сипқораркан Ғолибов ўзига-ўзи тасалли берди. — Ижроқўм бўлгач сўкади-да! Ўзинг

ҳам анойилардан эмассан! Қўрс-қўполликда районда сенинг олдингга тушадигани йўқ. Утган йили-ку контора қоровули Эшқовул чолни «Энангни...» деб сўкиб бюрода эшитганингни-эшитгандинг... Яхшиямки, бояги ғилай ревизор олдимдан чиқиб қолмади. Бўлмаса аччиқ устида энағарни ҳам...

Шу пайт даҳлиз томондан шовур-шувур эшитилди. Лаҳза ўтмай эшик очилиб, мезбоннинг боши кўринди.

— Директор бова... Сизни бир меҳмон...

Ғолибов жаҳл билан биқинидан болишни олиб четга отди.

— Мен нима деб буюрган...

Директорнинг сўкишга жуфтланган оғзи ланг очилганча қолди. Остонада тарвуз қорин, қирғий бурун, гўштдор юзига пашшахўрдаси хол бўлиб тушган, қора кўзойнакли басавлат одам унга қараб тиржайиб турарди.

— Салом бердик... А, бу қидиравериб кўзлар қорайиб кетди-ку, Толибжон! Қадрдонлик ҳам ахир шунақа бўладими? Қани ош ейдиган табаррук қўлларини...

Ғолибовнинг ҳуши бошидан учди: «Ие, бу Галя айтган ўша «мордаси не то ғилай ревизор-ку! Об-бо, бўрини йўқласанг... Энди бундан осонликча қутилиб бўпсан. Ишқилиб, оғзимнинг ошиқ-мошиғи бузилмасин-да!»

Директор истар-истамас ўрнидан ярим кўзғалди.

— Келинг, ўртоқ Абдулаҳатов...

Абдулаҳатов қўл олиб кўришаркан, бир лаҳзада дастурхондан бошлаб, хонанинг бурчаклари-ю, шифтга қадар кўзойнагини таги билан кўз югуртириб чиқди. Сўнг бетакал-

луф тўрга ўтиб чордона қуаркан, қўлини ҳовуч қилди.

— Қани, омин... Ноль бир, ноль икки, ноль уч... Э-э, ана боринг ноль тўртгайм ишингизни тушгулик қилмасин... Ҳи-ҳи-ҳи... Ҳазилда энди бу, ўртоқ Ғолибов! Лекин, биз буларнинг бирортасидан эмасмиз. Бунинг устига эски қадрдонмиз. Эски директорингиз бемаза одам бўлсаям, аммо сизни кўп мақтарди: «Шу бола ўлмаса, ўрнимга директор бўлади. Ўртоқ Абдулаҳатов, сиз ҳам шу кадрни райкомдаги ўртоқларга шипшитиб қўйинг», дерди. Шипшитиш ҳам гапми... Шундай бўлгач, сизга кўнгил тортади-да... Шу кунларда денг... Қани, овқатга қаранг. Бай-бай-бай, гўшт совиб қолибди-ку! Шу денг, шикоят хатлар тарновдаги сувдан шариллаб оқиб келаябди десангиз... Ошкоралик деб оғзига келганини одамларам ёзавераркан-да! Анови туздонни бу ёққа узатинг-чи! Сизнинг хўжалигингиздан ҳам бор. Мазмуни директоримиз такой, директоримиз сакой...

Ғолибов ўтирган жойида қалқиб тушди.

— Опкемабсиз-да бир-иккитасини... Қим ёзган бўлсаям путини жиртиб ташлардим, энағарни!..

Абдулаҳатов товоқдан каттакон сўнгакни олиб бесўнақай оғзига олиб борди.

— Менинг ўзим-чи! Қизиқмисиз, мен ўша ерда турган бўлсам, сиздай қадрдонга... Бу Толибжон!.. Анови бўйни узундан кўринмайдими? Ҳа-а, замонга қараб денг... Тўғри, тўғри... Бизам қарор чиқишидан қирқ кун олдин ташлаганмиз бу зормандани... Бўлмаса, пепсикўладан пақиллатинг-чи... Тошкан сувга

аралаштириб-да! Сизни ким айтади давра кўрган директор деб...

Ғолибов ревизорга суюқлик тўла пиёлани эҳтиётлик билан узатаркан, қовоқ солиб сўради:

— Қандай қилиб топдингиз? Мен ахир...

Абдулаҳатов пиёладаги ичимликдан бир ютим ютиб, иккинчи қўли билан бўшаган товоқни нарига суриб қўяркан, пихиллаб кулди.

— Штирлиц бизга шогирд бўлади... Шундай йўлга чиқиб турувдим, мошинингиз ўтиб қолди. Орқасидан қувиб етдиму, шопирингизни ғип этиб... Э-э, айтгандай! Оббо!

Абдулаҳатов кутилмаганда ўрнидан шундай тез сапчиб қўзғолдики, ҳатто кўзойнаги учиб кўрпачага тушди.

— А, бу... Иш расво бўпти-ку!

Ғолибов унинг бу қилиғидан чўчиди:

— Ҳа-ҳа, тинчликми?.. Нима расво бўлди?!

Абдулаҳатов эгилганча кўзойнагини олиб шоша-пиша тақаркан, ўкинган оҳангда деди:

— Э, бу шопир болани эсдан чиқарибмиз-ку! Оббо, якка ўзи кўчада...

Ғолибов ревизорга бақрайганча бир оз туриб қолди, сўнг жаҳл билан биқинига бошқатдан болиш тортди.

— Нима эмиш депман!.. Шопир ҳам одам бўлди-ю... Тавба!

— Йўқ-йўқ... — Абдулаҳатов шошиб олдинга икки-уч қадам юрди. — Ўсаман деган раҳбар, аввало шопири билан...

Ревизор гапини тугатолмади. Эшик очилиб, чойнак кўтарган мезбон кўринди.

— Зерикмайгина ўтирибсизларми? Мана иссиқ чой... Ҳозир ош ҳам...

— Менга қаранг, чорва! — унинг сўзини бўлди директор. — Манови меҳмонни шопири ташқарида қолибди. Ўша баччани...

— Шу ерга бошлаб келинг, — шоша-пиша гап қистирди Абдулаҳатов. — Бечорагина қорни очиб...

Ғолибов ревизорга ҳўкиз қараш қилди-ю, аммо эътироз билдиролмади. Мезбон чойнакнинг устини дастурхоннинг бир чети билан ёпаркан, секингина кулди.

— Бизда меҳмон кўчада қолмайди, биродар! Шопирингиз аллақачон қудалар билан чой ичиб гурунглашиб ўтирибди. Ҳай, бўлмаса... Сизлар бемалол...

Абдулаҳатовнинг кўнгли жойига тушгач, қайтиб келиб ўрнига ўтирди. Ғолибов чойни қайтарма қиларкан, пичинг отди:

— Шопирингизга бунча меҳрибон бўлмасангиз-а? Эҳтиёт бўлинг, эчки семирса эгасини сузади!

Абдулаҳатов кемириб шир-яланғоч қилган суягини дастурхонга уриб қоқаркан бош чайқади.

— Эчки бўлса сузади-да! Бизда шопир бола билсангиз, қўй.. Ў-ў, катта илик тушди... Сизгаям, а?..

«Оббо, — гижинди Ғолибов юзини терс бураркан. — Шундан бекор гап очдим. Энди, бу суққи ярим соат шопирини мақтайди».

— Эсли қўй бўлса, уйини топиб боради, — Абдулаҳатов иликдан қоникмади шекилли, шилпиллатиб сўнгат сўришга ўтди. — Бизни шопир бола эса... Лекин, совхозингизда қўйларининг ёғи нуқул суягида бўлади-да.

Ху, бир сафар бериб юборган шербозчангиз ҳам... Чойдан қуйинг... Ўҳ-ўҳ-ўҳ! Бизди шопир боладай одамнинг юввоши топилмаса керак. Шундай мўмин-қобил, шундай уятчан... Ўтган гал денг шу болагинани фински ҳаммомга орқамни уқалар деб олиб тушгандим. Нима бўлди, денг. Пархонани буғида адашиб қолса бўладими. Мен қолиб бошқа одамни орқасини, ҳи-ҳи-ҳи... Қани, пепсикўладан яна битта...

— Барибир шопирга сир бермаслик керак! — эътироз билдирди Ғолибов қовоғини баттар солиб. — Шопир халқи эл бўлмайди. Олдинги директоримизни ҳам ким сотди? Шопири! Агар мошин ҳайдашни ўзим билганимда давно шопиримни кетига бир тепиб...

Абдулаҳатовнинг нафси ором олди, сочиқнинг учи билан лаблунжи аралаш кўзойнагининг тагидан қош-қовоғигача артиб чиқди.

— Гапингизга юз фоиз... Энди қатикдан ҳам кўрайлик-а? Ўҳ-ўҳ! Бу қаймоқ-ку! Ўн йил олдин менда ҳам шунақа шопирнинг шайтони бўлганди. «Ол» десам ола қопни кўтариб қочарди. Чайнаб турган сақичингизни оғзингиздан олиб қўйганини билмасдингиз, баччағарни! Ўҳ-ўҳ! Энди бу ҳазми таом-да! Ошгача ошқозон бўшамаса, уялиб... Йўқ, бу шўпирим шустриймас. Мабодо «туя кўрдингми?» деб сўрасангиз, «йўғ-е, тулки эди-ку!» деб турадиган хилидан. Шунақа... Шу шопиримни шахсан хотинимнинг ўзи тавсия этган...

— Ҳм-м... — Ғолибов ўзини зўрлаб илжайган бўлди. — Ҳали хотиннинг қариндоши десангиз-чи? Ана гап қаёқда...

— А? — Абдулаҳатов оғзи атрофида ҳосил бўлган «о» ҳарфига ўхшаш қаймоқ юқини артишни ҳам унутиб бир нафас тик қотди. — Ҳа-ҳа! Тўғри-тўғри... Шопиримиз хотинга қариндош. Қариндош бўлганда-ям... Умуман хотин уруғнинг ичида менга ёқади-гани фақат шу бола... Бошқа қариндошларининг ҳаммаси палогда... Ие, ие... Ана паловхон тўра ҳам ташриф буюрдилар-ку! Яшасин!!

Мезбон ҳовур кўтарилиб турган товоқ тўла ошни дастурхонга келтириб қўйди. Абдулаҳатов нима учундир кўзойнагини олди-да, дастурмоли билан обдон артгач, қайтадан бурнининг учига қўндирди. Сўнг билак шимараркан остонага етган мезбоннинг ортидан қичқирди:

— Ў-ў... ука!.. Тағин бизни шопир бола... ошсиз қолмасин!

Гапни ҳазил тушунган уй эгаси мийиғида кулганча чиқиб кетди. Ғолибов ҳаво етишмаётгандек бўйин тагидан бир йўла уч тугмасини бўшатди. Сўнг оҳиста меҳмоннинг ош ейишини кузатди. Абдулаҳатов ҳақиқатан ҳам қаймоқ тановул қилганда еган-ичгани «ҳазми-таом» бўлиб, қорни қайтадан очган экан шекилли, у пишқирганча лунжини шишириб ковшанар, товоққа ҳар энгашганда ош тўла кафти иягига етиб бормасданоқ оғзи ўз-ўзидан ўрадек очилиб кетарди. «Одам кўрганим ёлғон-ов, — бош чайқади Ғолибов. — Яхшиям, одам... Агар мол бўлганда борми бу очофот! Ишқилиб товоқни синдириб қўймасин-да...»

Аллақачон ошнинг ўз томонини ўпириб бўлган Абдулаҳатов директорнинг олди ка-

маймаётганини кўриб ўзича танбеҳ бермоқчи бўлди. Бироқ, оғзи банд бўлганлигидан тили унга бўйсинмади.

— Кў-кў-кўр... Бо-бо-бош!

— Нима?! — Голибов таажжубда танг қотди. — Ким қўрбош?

Абдулаҳатов ияк қоққанча ютиниб қўл силтади, бармоғидан икки-уч томчи ёғ учиб қаймоқдан бўшаган косага тушди.

— Э-э... Кўрдингми ош, кўтарма бош деяпман. Қани, чойдан қўйинг... Уҳ-ўҳ! Отам раҳматлик шунақа дерди. Ўзлариям ошнинг ошиғи эдилар... Ҳатто, ошнинг тузини паст қилгани учун катта энамиздан воз кечиб кичкинтойига... Қани, олинг... Ошнинг мойи, мен сизга айтсам, тагида бўлади...

Голибов чидолмасдан ўрнидан туриб кетди. Ҳайратланиб қараган Абдулаҳатовга «заҳри-тан қилгиси келганини» баҳона қилиб ташқарига йўл олди. Йўлакда чой янгилаб келаётган уй эгасини тўхтатиб «буйруғини бузиб, олдига одам қўйганлиги учун» ўхшатиб сўкди.

— Ахир, меҳмон киши, — ўзини оқлади уй эгаси. — Қандай қилиб мен уни... Бошқа одам бўлса ҳам...

— Э, бундай меҳмонни! — Голибов кўрслиги кўзиб куракда турмайдиган сўз билан сўкинди, сўнг сўкиниш билан ҳовури пасайдими, қайтиб ичкарига кирди. Кекирганча товоқ юқини сидириб қош-кўзига суртаётган Абдулаҳатов шоша-пиша кўзойнагини қўндириб яна унга танбеҳ берган бўлди:

— Кўк чой ичманг-да, директор! Ана ундан кейин безовта қилади. Сигаретдан борми? Тўғри қиласиз чекмай... Ничего, нодан

урамиз... Қани, ўтиринг... Сизга бир кичкина илтимос бор...

Ғолибов лабини қаттиқ тишлаб кўрпачага оҳиста чўкди: «Ишқилиб сўкиб юбормайинда!»

— Илтимос шуки, носвой қаёқда қолди, — Абдулаҳатов бир зумда барча чўнтақларини кавлаб чиқди. — Илтимосим... Ибн, нос ҳам эсдан чиқиб... Ҳай, уйди эгаси келса бобой-собойлардан сўраб топиб келар... Илтимос шуки, Толибжон... Биз бир-биримизга ишимиз тушадиган одамлармиз... Олдинги директорингизга ҳам кўп яхшиликлар қилганмиз... Бемаза, гапни олмади-да! Олганда-ку, бундай қия бўлиб... Кечирасиз, мабодо тарвуз йўқми? Шунақами? Бўлганда ошдан кейин сўйилса... Ҳай, майли... Энди укам, ўзимни эмас, шопир боланинг илтимоси билан келгандим... Ия, ҳа нега оғзингизни ёпиб олдингиз? Нима, тишми? Шайтоннинг сувидан икки томчи бўлганда таққа тўхтарди-да... Илтимос шулки, Толиббой укам, шопиримизди аёли қўзилаган. Ана шу бачча топган келинчак хотинга ҳам, ўзимизга ҳам қариндош бўлади. Қороче, шу келин камдармон. Ҳозирги хотинларни биласиз-ку, ўтгизга кирмай ўтин бўлади, қирққа кирмай қирқилади... Хуллас, ука... Туққан хотинга нима керак. Ҳа, шу товуқ-повуқ, курка-мурка... Озроқ зиғир ёғ. Чўчқаники бўлса янаям яхши. Ўтган гал келганимда қуён-пуён ҳам кўргандай бўлувдим...

Ғолибов бирдан «ух» деб юборди.

— Хуллас, етти хазина денг! Энди, ўртоқ Абдулаҳатов, унақа қўй устида тўрғай тухум қиладиган замонлар ўтиб кетди. Ҳаммасини

собик директор оғайнингиз ўзи билан бирга олиб кетган. Уёғини сўрасангиз, ўша сиз айтган етти хазина учун бугун етмиш яшар энамни раисполкомнинг раисига эрга бериб келаябман! Сиз ҳам ахир бундай тушунинг-да!

— Йўғ-е?! — ревизор кўзойнагини юлқиб олиб, ғилай кўзини чақчайтирди. — Раисполком раисининг хотини бор эди-ку! Ўзи бизга қариндош... Ҳа-а! Ҳм-м... Ҳай, чойдан қуйинг... Менга-ку бировнинг мўйи ҳам керакмас... Шу шопир болага... Бечора хафа бўладиган бўлди-да!

Орага оғир жимлик чўкди. Директор узун сўлиш олди. Ревизор хўриллатиб чой ҳўплади. Ҳовлининг қай бурчидандир хўрознинг чўзиб қичқиргани қулоққа чалинди. Абдулаҳатов сергак тортиб директорнинг енгидан ушлади.

— Келинг, шу шопир болани хафа қилманг! Йўлини мана ўзим ўргатаман. Ҳали шу ҳовлида тўрт-беш паррандага кўзим тушувди... Совхозникига қийналсангиз, майли, шу уйнинг эгасига секин-а? Маъқулми? Хўрози шарт эмас. Макиёни ҳам шопир болага бўлаверади. Шундай қилинг, ука! Бир ияк қоқинг, дўстим. Ҳали кўз-кўзга...

Ғолибов ўрнидан илкис қўзғалди.

— Қўйинг-э, Абдулаҳатов! Тўйхонада одам кўп... Уят бўлади! Ҳа, ана йилнинг охирида келинг. План тўлса, бошқа гап! Энди, узр, жиндак майлисчамиз бор... Шунга... Бошқа пайт... Хайр!..

— Ие, кетаяпсизми?! Шош-ш... — Абдулаҳатов ҳам сакраб ўрнидан қўзғалмоқчи бўлганди, қорни халақит бердимиз, эллолма-

ди; деворга кафт тираб бир амаллаб турди. — Оббо, шопир бола хафа... Ув-в, Толибжон! Нима, ўлган жойингиз борми? Ҳеч бўлмаса тўйбонга айтинг, тўйинча-пўйинча ташкил қиб берсин! Хом гўшти бўлмаса, пишгани-ям... Энди, бизни шопир болани сазаси... Ие, ҳой, қаёққа кетаяпсиз? Ахир, шопир...

Ғолибов остона ҳатлаб чиқаркан, бу сафар тишларининг орасидан сирғалиб чиққан сўкишни тутиб қололмади.

— Ҳе, шопирингди-ям энасини...

Эшик тарақлаб ёпилди. Абдулаҳатов деворга суянганча тирговичдек қотди. Хўроз чўзиб-чўзиб қичқирди. Бир оздан сўнг ташқаридан оёқ товуши эшитилиб, кимдир бош сўқди.

— Дада, кетмаймизми, ахир аям...

Бу Абдулаҳатовнинг шофёри эди.

ТОРТИШУВ — АҚЛ ҚАЙРОҒИ

(Айрим район газеталарида берилаётган «баҳс»ларга тақлид)

Аччиққудуқ район «Олға» газетасида «Тортишув — ақл қайроғи» рубрикаси остида берилган «Паловни қўл билан ейиш керакми ёки қошиқ биланми?» — деган мақола газетхонлар ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Бугун ушбу мунозарали баҳсга якун ясаш учун ўтказилаётган «давра столи»да «Таом ва калом» китобининг муаллифи, шопир Махсум Тартарак, «Ош бўлсин» ошхонасининг бош ошпази, кулинария техникуми

ўқитувчиси Қобил Азимов, район санитария эпидемиология станциясининг врачлари Эркин Воситов ҳамда пенсионер отахонларимиздан Зиёд бобо Тонготаровлар иштирок эшитмоқда.

Муҳбир: — «Паловни қўл билан ейиш керакми ёки қошиқ биланми?» — мақоласи ўзининг ўта актуаллиги билан газетхонларимиз мунозарасига сабаб бўлмоқда. Аммо ҳали баҳсга яқин ясалганича йўқ. Ушбу масалани атрофлича ҳал қилиш учун сиз мутахассисларга яна бир марта мурожаат қилмоқчимиз. Хўш, паловни қўл билан ейиш керакми ёки қошиқ биланми? Биринчи бўлиб бу ҳақда ҳурматли шоиримиз Махсум аканинг фикрларини эшитсак.

Шоир Тартак: (Йўтала-йўтала гап бошлайди) — Мен, аввало, шундоқ долзарб, проблематик масалани мунозарага олиб чиққан ўртоқларга ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Чунки, ош, тоес, палов ўзбекларнинг энг азиз таомларидан бири бўлиб, уни, яъни ошни, тоес, паловни қўл билан тановул қилиш керакми ёки қошиқ биланми деган савол аср-асрлардан буён кишиларимиз ўртасида ўз ечимини тополмасдан келмоқда. Фикримни исботлашга ўтаман. Жумладан, бу савол ҳатто домла Муқимийда ҳам ечилмасдан қолган. У киши икки ошхўрнинг таом ейишини тасвирлаб:

Ош есалар ўртада сарсон
илик,

Хўжа чироғ ёғи,

Ҳакимжон пилик, —

деб сўз юритсалар-да, лекин ўша Хўжа билан Ҳакимжон ошни қўл билан еганми ёки қошиқ биланми — буни шоир очиқ айтмаган. Афтидан, бу масаланинг ўша даврда ҳам аниқ бир ечими бўлмаган. Устод Ғафур Ғуломда ҳам шу ҳолни кўрамиз. У киши қайсидир бир асарларида: «Хумпар ошни катта-катта олиб «гумбаз»нинг бир томонини ўпириб ташлади», десалар-да, лекин ўша «гумбаз»ни, тоес, ош уюмини персонаж қўли ёки қошиқ билан ўпирганлиги ҳақида ломим демайди. Яна шунини айт...

Му х б и р — Кечирасиз, Махсум ака, шу хусусда газетхонларга ўзингизнинг аниқ хулосангизни айтсангиз. Яъни, паловни қўл билан еган маъқулми ёки қошиқ билан?

Т а р т а р а к — Албатта, қўл билан ейиш керак. Бунда ошхўр шоирона, тоес, эстетик завқ олади. Билагидан қўй ёғи ёки зиғир ёғи томчилаб турган кишининг ҳолатини кўз олдингизга бир келтиринг-а? Қанчалар илҳомбахш ҳолат, тоес...

Му х б и р — Маъноли фикрингиз учун сизга ташаккур! Энди сўз навбатини саломатлик посбони Эркин Воситовга берсак. Марҳамат, Эркин Воситович!

В о с и т о в — Юқорида ҳурматли шоир укамиз жуда яхши фикрларни айтдилар. Мен бу сўзларга тўла қўшилган ҳолда қуйидагиларни айтмоқчиман. Ош, яъни палов инсоннинг озуқа рационада муҳим ўрин тутади. Айниқса, ҳаётнинг асоси бўлган оқсил гуручда серобдир. Витаминларни-ку, айтиб ўтирмай. Сабзиди «С», пиёзда «П» гуруч билан гўштда «Г» ... хуллас...

Му х б и р — Эркин Воситович, қимматли

фикрингиз учун раҳмат. Мумкин бўлса, яна бир савол. Айтинг-чи, сизнинг фикрингизча, паловни қўл билан еган маъқулми ёки қошиқ билан?

В о с и т о в — Ҳеч шубҳасиз, қошиқ билан. Гигиена ахир бу. Қўлда ейилганда, агар у ювилса яхши, ювилмаганда-чи, ҳай-ҳай, ҳар бармоққа биттадан вирус илашганда ҳам ошхўр ҳар оғиз очганда бешта вирусни ютади. Бир товоқ палов учун камида ўн беш-йигирма марта қўл узатсак...

М у х б и р — Ажойиб фикрларингиз учун миннатдормиз! Қани, бу тўғрида ҳурматли отахонимиз қандай фикрда эканлар?

Ч о л — Энди, ука, менга қолса шоир ўғлимнинг фикри маъқул. Чунки, қўл билан ейишга ўрганиб қолганман-да! Врач ўғлимнинг ҳам гаплари тўғрику-я, лекин ёғоч қошиқ масаласи сал нозикроқми дейман-да. Магазинда ҳам эганг ўлгур кам кўринади. Тўғри, кеча бир жойда кўрувдим, лекин нархи от баҳосида. Нега қиммат десам, сотувчи бола «Бова, бу сувенир», дейди. «Эй, боламай», дедим...

М у х б и р — Раҳмат, раҳмат ота! Демак, сизнингча ошни қўл билан еган маъқул-а? Жуда яхши. Хўш энди, охирги сўзни таом пиширувчилар устози. ҳурматли домла Қобил Азимовдан эшитсак... Марҳамат, Қобил ака, сўз сизга! Ошни қўл билан еган маъқулми ёки...

А з и м о в — Бу мураккаб саволга тўғри жавоб олиш учун, авваламбор, ҳар бир ошхўр ўртоқ палов тўғрисида тадрижий маълумотларга эга бўлиши керак. Кўп йиллик хизмат юзасидан шу нарсага амин бўлдимки

уч кило гуручининг ошини пок-покиза туширадиган профессионал ошхўрлар ҳам, кўпчилик талабалар ҳам «ош-палов»нинг расшифровкасини билмайдилар. Кеча ошхонадаги қирқта мижоз ҳамда бир аудитория тўла талабалар ҳам шу саволимга жавоб беришолмади...

М у х б и р — Бу савол газетхон дўстларимизни ҳам қизиқтирса керак. Мумкин бўлса, ўзингиз шу муаммони ечиб берсангиз.

А з и м о в — Марҳамат. Биринчи ҳарф «О» — бу олов. «Ш» — шоли, яъни гуруч, «П» — пиёз, «А» — аччиқ-чучук, «Л» — лахм, яъни гўшт, иккинчи «О» эса — ором ёки роҳат ва ниҳоят «В» ва ҳоказолар, яъни қозон, туз, сув, доривор дегани...

М у х б и р — Демак, домла, сизнинг фикрингизча «Ош-палов» термин остида мазкур таомни тайёрлаш учун керак бўладиган ма-саллиқлар ва қўшимча факторлар номи яширинган экан-да!

А з и м о в — Ҳа, балли, отангизга раҳмат, мени тўғри тушунибсиз.

М у х б и р — Мўътабар фикрингиз учун сиздан ҳам миннатдормиз. Лекин, ўзингиз қандай фикрдасиз? Ошни қўл билан еган маъқулми ёки қошиқ...

А з и м о в — Албатта қошиқ билан... Чунки, қўл билан ейишни, шахсан мен, эскилик сарқити деб биламан. Айрим кекса кишилар... отахон, тагин сиз хафа бўлманг-у, ошни ейишиб (нотиқ қўллари билан туфлисини сирпаб қошига суртиб кўрсатди) ёғли қўлларини махсига, қош-мўйловларига суртишади, яхши қилиқмас, ахир...

М у х б и р — Фикрингиз бизга маъқул... Азиз дўстлар, шу билан «давра столи»га

якун ясасак. Сизларга катта раҳмат. Умуман олганда, мунозарамиз ниҳоятда қизиқарли ўтди. Унда қатнашган ўртоқларнинг фикрларидан келиб чиқиб, энди шундай хулоса ясаймиз: ошпаловни хоҳлаганлар қўлда, хоҳламаганлар қошиқда ейишлари мумкин экан.

Ҳурматли газетхонлар, сиз бу ҳақда қандай фикрдасиз! Хат-хабарларингизни кутамиз.

ШАХСИЙ УСЛУБ

Адабиёт даргоҳига эндигина атак-чечак қилиб кириб келаётган ушоққина ёзувчи бор экан. У туну-кун: «Нима қилсам номдор, катта ёзувчи бўларканман», деб ўй сураркан. Дўстларидан биттасига дардини ёрган экан, ундан:

— Сен Улканийга бориб учраш. Катта ёзувчи. Сендан маслаҳатини дариф тутмас... — деган фикрни эшитибди.

Улканий шундоқ ёзувчи эканки, агар унинг магазинларда сотилмай ётган китобларини бир жойга йиғиб, устма-уст тахланадиган бўлса, машҳур Жомолунгма чўққисига етай-етай деб қолар экан. Мабодо ўша китоблардаги «сув» сиқиб чиқазилиб баланд жойдан оқизилса борми, ваҳимаси Ниагара шаршарасидан қолишмас экан.

Ушоқ ёзувчи шу куниеқ ана шундай катта ёзувчининг оstonасига бош уриб борди.

— Устоз, — деди у қўлини қовуштирганча. — Менга маслаҳат беринг. Қандай қи-

либ ёзсам, Сиздек катта ёзувчи бўла оламан?!

— О-о-о! — деди чўзиб Улканий ушоқ ёзувчининг бошини силаганча. — Бу оғир, бўтам! Бунинг учун аввало ҳар ижодкор ўзига хос, қайтараман... фақат ўзига хос услубга эга бўлиши керак!

— Сизда ўша услубдан ортиқчаси борми? — шоша-пиша сўради ушоқ ёзувчи. Менга бериб туrolмайсизми?

— Йўқ, — деди Улканий бошини сараксарак қилиб. — Мендаги — у меники, шахсий. Сенда ҳам фақат ўзингга тааллуқли шахсий услубинг бўлиши керак. Ахтарсанг топасан. Изланганга толе ёр. Бор, бўтам, сенга омад тилайман.

Шунда уста кўрмай ҳар мақомга йўрғалаб, ҳаводаги эркин шардек шамол қаёқдан эсса ўшанинг ўйналишида учиб юрган ушоқ ёзувчининг кўзи мошдек очилди.

— Ҳа-а, ҳамма гап буюқда экан-да! — дея ўйлади у. — Бўлди, шу дақиқадан мен ҳам ўзимга хос услуб ахтарганим бўлсин...

Ушоққинаси тушмагур ўшандан кейин енгини шимарганча услуб излашга тушиб кетди. Уйқу фариштасидан вақтинча юз ўгириб, неча-неча қизларнинг қошидек қора тунларни кампиршоларнинг сочидек оқ тонгларга улади. Кўп азият чекиб излаганидан беҳидек сарғайиб, парникда пишган бодрингдек ингичка тортди.

«Астойдил йиғласа, сўқир кўздан ёш келади», деганларидек, унинг ҳам меҳнатлари зое кетмади. У ниҳоят ўзига хос бўлган оригинал услуб кашф этди. Бу услубгинаси қурғур шундан иборат эдики, у бирон нарса ёзгу-

дек бўлса, асарида тавсиф ва тасвир этмоқчи бўлган жойни ўз кўзи билан кўришга; содир бўладиган воқеаларни ҳаётда қай вақтда рўй берган бўлса ўшандайлигича (ҳатто минут, секундигача) кўчириб ёзишга аҳд қилди.

Ана шундан кейин у янги сужет ва қаҳрамонлар излаб кўчага чиқиб кетди. Трамвайга тушиб одамларга кўз ташлади, шунда нигоҳи орқа салонда бир-бирига термулиб кетаётган икки ёшга — йигит билан қизга тушди. Уларнинг бир-бирларига боқишлари шу қадар таъсирчан эдики, бу нарса «нозик қалб, кичик воқеадан катта хулосалар чиқариб олувчи» ёш ёзувчининг қалбини жунбушга келтирди. У трамвайдан сакраб тушди-да, уйига қараб югурди. Борди-ю, иш столига муккасидан тушганча бир варақ қоғозга янги ҳикоя учун сарлавҳа қўйди: «Баҳор». Сўнг қаламидан қуйидаги жумлалар қуйилиб қоғозга тўкила бошлади:

«...Баҳор кунларининг бирида, № 8 трамвайда, соат 11 дан 40 минута 35 секунд ўтганда, Гулбоғ бекатига етганда бир йигит ва бир қиз учрашиб қолишди. (Кўряпсизми, ёзувчи ўз услубига содиқ қолаяпти).

Баҳор эмасми, бир кўришдаёқ уларнинг кўзларида ишқ ёлқини сачраб, қалбларида эса севгининг олов гулчамбараги ёнибди. Шундан сўнг улар етаклашишганларича кечгача сайр қилдилар. Шаҳарнинг яқин йиллар орасида ниҳоятда гўзаллашиб, кўркамлашиб кетганлигининг гувоҳи бўлдилар, тез ва пишиқ уй қураётган қўли гул қурувчиларга ҳамду-санолар ўқидилар. (Ёзувчи ўз қаҳрамонлари орқали қурувчиликнинг баъзи бир муҳим проблемаларини ечиб беришни

олдига мақсад қилиб қўйганди. Кечга яқин икки ёш чарчашиб, эртасига яна учрашишга ваъдалашибдилар. Улар учрашув жойи қилиб...» Шу ерга келганда ушоқ ёзувчининг қалами ёзишдан тўхтаб қолди. Чунки эртасига қаҳрамонларининг қайси жойда учрашишлари унинг учун ҳали қоронғу эди-да.

У яна кўчага чиқиб кетди. Кечгача излаб, ниҳоят шаҳарнинг бир чеккасида янги бир ҳаммомни фойдаланишга топширилиш маросимининг устидан чиқиб қолди. Мусиқа садолари ҳавони титратган, пионерлар қурувчиларга гулдасталар тақдим қилишган, қизил лента қирқилган...

Ушоқ ёзувчи учун бу жой маъқул тушди. Уйига қайтиб келиб у ҳикоясини келган жойидан давом эттирди:

«...Шаҳар чеккасидаги янги қўшқаватли «Ура!» — деб номланган ҳаммом биноси олдида соат саккизу ўн олти минут, йигирманчи секундда учрашишга ваъдалашиб хайрлашдилар. Улар ваъдага вафо қилишди. Эртасига айтилган вақтда етиб келдилар, қиз фақат ўттиз беш секундга кечикди. Йигит архитектор бўлганлиги сабабли севгилисига янги ҳаммомнинг замонавий архитектураси ҳақида гапириб беришга аҳд қилганди...»

Турган гапки, ҳикоя шу ерга келганда узилиб қолди. Чунки авторнинг ўзи янги ҳаммом ва уни қай услубда қурилганлиги тўғрисида аниқ маълумотларга эга эмасди (Унинг ҳаммом билан тўла танишишига тантанали маросим халақит берганди). Шу сабабли ҳаммомга яна бир бор боришга тўғри келиб қолди. Бироқ кеч кириб қолганлиги туфайли бу вазифани эртага қолдириб, ётишга чоғ-

ланди. Ҳаммом унинг фикрини шунчалик банд этган эдики, ҳатто тушига ҳам кирди. Тушида ўша ҳаммом биноси олдида ушоқ ёзувчи ўз қаҳрамонлари билан қўл ушлашиб, ён-атрофини айланиб томоша қилиб юрганмиш. Шунда улар эртаклардаги Чол ибн Хаттобга ўхшаш узун соқол, оқ хачирга минган бир чолнинг ҳам ҳайрат ва таажжуб билан ҳаммом биносига тикилиб тургани устидан чиқиб қолишди. Улар қарияга одоб билан салом беришди.

— Ассалому алайкум, Чол ибн Хаттоб! Биз томонларга хуш келибсиз!

Чол хачирдан ирғиб тушди-да, уларга пешвоз юрди.

— Мен Чол ибн Хаттоб эмас, Исмоил Сомоний мақбарасини қурдирган муҳандис бўламан, бўталоқларим! Мени ҳайратга солган, қабримдан суғуриб эгарга ўтқизган куч мана шу бино бўлади. Эвоҳ, бизлар ҳам дунёда ном қолдирдик, иншоот қурдик, деб ўтган эканмиз-да. Мана бунақа кўшклар олдида бизники урвоқ ҳам бўлмас. Иншоолло.


Шундан сўнг архитектор йигит муҳандис чолга бинонинг қурилиш лойиҳаси ҳақида маъруза ўқий кетди...

У туш таъсирида эрталаб енгил кайфият билан уйғонди. Нонушта ҳам қилмасдан кечаги ҳаммом томон йўл олди. Бориб кўрдик.. Во, дариг! Бу қанақанги гап — кечагина фойдаланишга топширилган янгигина бинонинг каттагина бир қисми ўпирилиб, қулаб ётганмиш! Ёш ёзувчининг юраги вайрон бўлиб уйига қайтиб келди-ю, қўлига қаламини олиб:

«Архитектор йигит энди сўз бошлаган эди-

ки, ҳаммом биноси тўсатдан даҳшатли гум-
бирлади-ю, қоқ ўртасидан бўлиниб икки се-
вишган қалбни босиб қолди», деб ёзди-да,
ҳикоясига сўнгги нуқта қўйди.

«— Бечора қаҳрамонларим, — ўйлади у
бошини чангаллаганича афсусланиб. — Сиз-
ларни келажакда мен етук инсонлар қилиб
камол топтирмақчи эдим. Сизлар орқали
замонавий архитектуранинг муҳим проблема-
ларини ҳал этиб бермоқчи эдим. Ҳай, аттанг,
бир ҳаммом деб эрта хазон бўлдинглар! Ма-
на сенга замонавий архитектура-ю, мана сен-
га тез ва соз қурувчилар! Буларнинг дасти-
дан тузукрок нарса ҳам ёзолмайсан киши...»



СИГАРЕТА ҲАҚИДА ҲИЛАЛ...

(Баъзи нотиқларнинг суҳбатларига назира)

— Ҳурматли лекциямиз тингловчилари,
— дея гап бошлади лектор рўмолча билан
олдин тақир бошини, сўнгра лаб-лунжини
артар экан. — Қадрли адабиёт мухлислари,
ёш бўғинлар! Биз навбатдаги, бугунги маш-
ғулотимизда сизлар билан «Сигарета ҳақида
ҳилал» деган мавзуда суҳбатлашамиз.

Лектор папкадан қоғозларини олди, кў-
зойнагини дастрўмоли билан артиб таққани-
ча ўқий бошлади:

— Ўртоқлар! Мен бугун шуни қатъият
билан айта оламанки, жамиятимизда илмий
техника революциясининг илиқ нафаси гур-

кираб эсаётган бир даврда, сигаретага бўлган муҳаббатга чек қўйиш даври келди. Лекин, ҳаётимизда баъзи бир нуқсон, камчиликларни ҳал қилмасдан туриб бу ишда тўла муваффақиятга эришиб бўлмайди. Мана шундай нуқсонларимиздан бири кейинги пайтларда адабиётимизда баъзи бир ижодкорларнинг сигарета мавзусига ижобий муносабатда ўралашиб қолганликлари ва улар ёзган асарларини ўқиган ва китобхон қалбидан сигаретага нисбатан ёқимли ҳис-туйғу туғилаётганлигидир.

— Бас, шундай экан, сигарета ҳақида тунунчаларни билиб олмасак, биз унга қарши кураша олмаймиз. Авваламбор сигарета — бу нима ўзи, нима учун унга «сигарета» деб ном берилган?

— Бу тўғрида... — лектор дафтаридан бош кўтариб залга қарайди. — Ўртоқлар, илтимос, чекилмаса, ҳеч нарсани ўқиб бўлмаяпти. Мана, мен чидаб турибман-ку! — У кўзойнагини артиб, яна ўқишда давом этди:

— Бу тўғрида олимларимиз ҳали қатъий бир фикрга келишганларича йўқ. Баъзи тарихий манбалар ва баъзи тадқиқотчиларимизнинг айтишларича, «сигарета» сўзи Япониядаги «Сига» деган жойнинг номидан келиб чиққан. Бу жойнинг сигаретага қандай алоқаси борлиги тўғрисида ҳозир илмий текширишлар кетмоқда. Иккинчи бир олимларимизнинг кўрсатишларича, «сигарета» сўзи испанча «сигарро» — «тамаки маҳсулоти» сўзидан келиб чиққан. Лекин, энг янги маълумот ёш олимларимиз Кашандий қаламига мансуб десак, хато қилмаган бўламиз. У ки-

ши ўзларининг етти йиллик илмий кузатишларни натижасида «сигарет» сўзини «Всего-рит», яъни «бутунлай ёнади» сўзидан келиб чиққанлигини исботладилар ҳамда шу темадаги кандидатлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилдилар.

Дарҳақиқат, сигаретани ёндириб, ичингизга бир тортиб кулдонга қўйсангиз, вассалом, охиригача куйиб кул бўлади, яъни «всего-рит» бўлади.

Хуллас, таъкидлаб ўтганимиздек, «сигарета» мавзуси атрофида ўралашиб, уни тарғиб қилувчи ёзувчилар, шоирларимиз пайдо бўлиб қолди. Сўзимнинг исботи учун фактларга мурожаат қиламан. «Ёшлик гулшани» журналининг 13 сонидида ёш ёзувчи Қайфийнинг «Боғловсиз қолган бузоқ» номли сигаретдек ихчам ҳикояси чоп этилган. Ёзувчи ўз ҳикоясида халқимиз тилидан аллақачон тушиб қолган «чеккан кишини уйига ўғри келмайди», «сигарета чекавер, кўз оқига фойдаси бор», каби ёш китобхонга нотўғри тарбия берувчи нақллардан фойдаланганлиги сабабли бу ҳикоядан махорка ҳиди анқиб туради. Ёш ёзувчи Туман Тутуннинг «Арава устида оттирилган тонг» ҳикоясида эса авторнинг ҳаётга синчковлик билан қарай олмаслигини сезиш мумкин.

«Йигит дадилланиб, қизни гапга солмоқчи бўлди. Аммо, эсига тузукроқ гап келмади. Охири: «Э, нима бўлса бўлди?» — деди-ю, энгашиб мулойимлик билан:

— Э... кечирасиз, папиросингиз бўлса, битта чектирворсангиз, — деди. Қиз шарақлаб кулиб юборди. Сўнг қўлини пешонасига нуқиб:

— Миянгиз ишлайдими, яхши йигит. Қизлар ҳам сигарета чекадими, — деди.

Йигит эса пинагини бузмасдан хотиржамлик билан:

— Бошқа гап тополмасам нима қилай, — деди».

Мана кўрдингизми, бу ҳикоя ёзувчининг ҳаётдан орқада қолганлигини кўрсатиб турибди. Қизлар сигарета чекишмасмиш! Масалан, шахсан менинг ўзим буёққа келгунча ҳозир Навоий театри олдида сигаретамни бир қиздан тутатиб олдим. Ҳурматли ёзувчимиз Туман Тутун ўз устида жиддий ишламаганлигидан, унинг ҳикояси тутун ичида қолиб кетган.

Уйлайманки, бу савиядаги асарларга чек қўйилса, ёшларимизнинг сигаретага бўлган эҳтирослари ҳам сўнар эди. Шу билан бугунги машғулотимизга нуқта қўяман. Саволлар бўлса, ёзма равишда берилсин. Келгуси машғулотимизда «Севги» деган темада суҳбат ўтказамиз. Қани энди сигаретамни тутатиб олай... И-е, залда ҳеч ким қолмабди-ку?!

АЙЛАНА

Қабул қилиш комиссияси бошлиғи Шодмонбоев «Гўзаллик салони»нинг тўртинчи қаватига кўтарилгач, «хўш» деди-ю, лекин «тузук» сўзини айтмай, бир нуқтага тикилганча қотиб қолди. Сўнг «Эҳм... ош совиб қолмасин...» деганча қаққайиб турган участка бошлиғига улкан ғалвирнинг гардишини эслатувчи цемент айланани кўрсатди.

— Хўш, бу нима?

Участка бошлиғи прораб Собировга ўғирилди.

— Нима бу?..

Собиров тўртинчи ва бешинчи қават оралиғидаги айланани биринчи марта кўраётгандек, елка учирди-да, ўз навбатида орқадан келаётган участка бошлиғи Зоировга юзланди:

— Бу... нима?

Зоиров айланадан хабардор экан шекилли, дарҳол қўйнидан қўлдан-қўлга ўтавериб титилиб, сарғайиб кетган қоғозни олиб ерга ёзди.

— Бу шу бинонинг план-лойиҳаси. Мана бу ерда. — Зоиров қоғознинг бир чеккасидаги сарғиш доирани нуқиб кўрсатди. — Яъни, тўртинчи ва бешинчи қават оралиғида айлана шакли акс эттирилган. Марҳамат, ҳамма кўриши мумкин. Биз лойиҳада кўрсатилган нарсани бажардик. Лекин, гапнинг очиги, айлананинг нима эканлигига ўзининг ҳам ақлим етмай турибди. Афтидан, ҳовуз бўлса керак.

Комиссия раисининг қовоғи баттар осилди.

— Ҳовуз? Тўртинчи қаватда-я! Эсларинг жойидами ўзи? Нега маҳаллий шароитни ҳисобга олмайсизлар? Ахир, шаҳримизда сув учинчи қаватгача зўрға чиқади-ку?

— Ҳовуз ҳам бўлсин дейлик, — комиссия аъзоларидан кимдир луқма ташлади. — Лекин бу ҳовузнинг туби йўқ-ку. Сув, ахир қарда тўпланади?

— Менингча, бу айлана ҳовуз эмас, қушлар қўнадиган махсус жой бўлса керак. Қаранглар, қандай чиройли тушибди. Баҳор,

ёз ва куз ойлари қушлар қўниб, вижирлаб турса ёмонми? Эҳм... Ўртоқ Шодмонбоев ош совиб кетди, — деди Ботиров.

Шу пайт суҳбатга аралашмай бир четда турган қабул қилиш комиссиясининг яна бир аъзоси — шаҳар архитектори Хуррамов участка бошлиғига қараб ўдағайлаб қолди.

— Ҳў-ў... Нега архитекторларни айблаб, бўйнимизга тош осяпсиз? Қани ўша лойиҳангиз...

Участка бошлиғининг ранги оқариб кетди. Қараса, Хуррамов архитекторларни оқлаш баҳонасида янги бинони топиришни хавф остида қолдираяпти. Шу боисдан Ботиров шоша-пиша Хуррамовга маънодор кўз қисиб, унинг сўзини бўлди.

— Ўртоқ Шодмонбоевнинг олдида тортишиб ётсак, энди уят бўлар? Марҳамат, мана кўрсинлар. Панда айлана туширилганми, туширилган. Тагида архитекторлар бошлиғининг имзоси чекилганми, чекилган. Шундай экан, бир айлана деб, бошимизни айлантириб ётмайлик.

Архитектор «кўз қисиш»ларга тушунадиган мўмин-қобил одам эканми, тезда ўз фикридан қайта қолди.

— Ҳм-м... Бошлиғимизнинг имзоси бўлса, демак, тўғри қурибсизлар. Лекин, ўртоқ Ботиров, бунини сиз ўртоқ Шодмонбоев ва қолган комиссия аъзоларига тўғри тушунтира олишингиз лозим-да! Менингча, бу айлана... Ў-ў, лекин лойиҳанинг ҳам увадасини чиқариб юборибсизлар. Нима бало, ёки кўрпача қилиб тўшадингларми? Менингча, бу айлана ҳовуз ҳам эмас, қўналға ҳам эмас, аксинча, нақш... Яъни, архитектура тили билан айт-

ганда бино элементларининг шаклий белгисидир...

Гоҳ участка бошлигининг, гоҳ архитекторнинг оғзига қараб, тик қотиб турган Шодмонбоев ниҳоят енгил нафас олди.

— Демак, бу айлана — нақш. Комиссия аъзоси сифатида Хуррамовнинг фикрига қўшилиш мумкин. Шахсан мен янги бинони топширишга тайёр, деб ҳисоблайман...

... Ошдан сўнг қабул қилиш комиссиясининг аъзолари жўнаб кетишди. Участка бошлиғи мамнуният билан кекирганча етти киши имзо чеккан «АКТ»ни етти буклаб чўнтагига тиқаркан, прораб ва мастерга юзланди.

— Хўш... Тўртинчи қаватдаги айланани қуришни ким буюрди санларга. Яхшиям Шодмонбоев қурилишдан узоқ одам, яхшиям Хуррамов ўзимизнинг одам! Бўлмаса... Пойдевор ташланаётганда шу ерда эдим, кейин иш билан... Ўзи йўқнинг кўзи йўқ экан-да.

Прораб Собиров биринчи бўлиб гуноҳкорона елка қисди.

— Айбимни тан оламан... Иккинчи қават битгунча мен ҳам қозиққа бойланган отдек объектда айланиб юрдим. Сўнг ўзингиз биласиз, тўй масаласида... Мастерга ишонгандим-да...

Участка мастери Зоиров айбини оқлаш учун яна чўнтагидан бинонинг лойиҳасини чиқарди.

— Учинчи қават битгунча ётоқхонам шу ерда эди. Сўнг путёвка куймасин деб... Бригадир Каримовга ишонгандим, у ҳам лойиҳада кўрсатилгандек...


Ботиров зарда билан қўл силтади!

— Э-э, ўша бригадиринг еттинчи синф маълумоти билан чизмани ўқий оладими, галварс! Қани лойиҳани ол-чи, ҳали яхши қарай олмагандим. Ким лойиҳага ўзгариш киритди?

У лойиҳадаги сарғиш доғ — айланани олдин тирнаб кўрди, сўнг ҳидламоқчи бўлгандек бурнига яқин келтириб тикиларкан, беихтиёр қичқириб юборди.

— Ие, ахир... бу, пиёланинг чизмада қолган изи-ку!

Бир оздан сўнг Ботиров: «Объектда иш вақтида чой ичишни ман этиш ва ўз вазифасига совуққонлик билан қараганлиги учун қурилиш бригадири Каримовга қаттиқ огоҳлантириш бериш тўғрисида»ги буйруққа имзо чекаркан, чуқур хўрсиниб қўйди: «Хайрият, лойиҳада пиёланинг изи қолибди. Маъбодо, чойнакники қолганда борми?»



ПОРТФЕЛЬ

Илмий текшириш институти етакчи бўлимларидан бирига янги мудир тайинланди. Собиқ мудир анча озғин, новча, маккажўхори попугидек майин сочлари тўзиб юрадиган кўримсизгина киши эди. Янгиси эса худди ўчакишгандек, унинг бутунлай акси — семизгина, лекин паканароқ, бошига пашша қўнса, оёғи тойиниб ўлади — сип-силлиқ, шунга қарамай, салобатли эди. Аввалги мудир хонама-хона юриб:

— Илм кишиси бир жойда моғор босиб ётавермасдан, кўпроқ юриши, изланиши керак, — дерди.

Буниси ходимларни бир жойга йиғди-да:

— Лақиллаб юрмасдан, мияни қотиринглар? — деди-ю, кабинетига кириб кетди.

Аввалги мудир қўлтигига сабзи тахтасига ўхшаш юпқагина папкача қистириб юрарди. Буниси эса каттакон портфель кўтариб келди.

— Ана энди бошлиққа ёлчийдиган бўлдик! — деди кичик илмий ходим Асомиддинов танишувдан сўнг.

Катта илмий ходим Исомиддиновга бу гап ёқмади.

— Лаганбардорлик ҳам эви билан-да, ука, деди. — Янги мудирда қандай ноёб фазилат кўра қолдингизки, дарров тилингиздан бол томиб қолди?

— Мен товуқни... — деди Асомиддинов ўжарлик билан. — Мен товуқнинг қандай тухум қилишини қо-қолашидан биламан. Одамни эса, оёқ олишидан. Шундоққина кўриниб турибди, янги мудиримиз каллали одам. Савлатини-ку, қўяверинг. Сиз портфелига қаранг, портфелига! Ҳойнаҳой ичи тўла китоб бўлса керак. Соч ҳам бекорга тушмайди-да, акаси!

Аввалги мудир Исомиддинов билан анча яқин эди, катта илмий ходимликка ўзи тавсия қилган. Шу боис шогирд унинг ортидан лой чаплашга йўл қўймади.

— Гап салладами, деган экан Афанди. Шунга ўхшаш, гап портфелдами. Ким биларди, балки унда китоб эмас, колбаса-молбаса бордир...

Асомиддинов ўтирган жойидан туриб кетди:

— Гарров ўйнайман, портфелда китоб бор!

Икки қайсар тортишса, бир-бирининг бошини уриб ёради, ё гаров ўйнаб, бир муросага келади. Бу гал тортишув гаров билан туғади. Тушликка лаборантлардан бирини эшикка пойлоқчиликка қўйишиб, мудирнинг хонасига киришди. Тўрда турган портфелни очган Асомиддинов ўйинга тушиб кетди; портфель тўла китоб эди.

— Айтмадимми! — деди Асомиддинов. — Бошлиғимиз каллали, деб айтмадимми! Ҳа, сиз билан бизга ўхшаб қотиб қолмаган бу одам! Қани, акахон, энди ош қачон?

Гаровда ютқизгани Исомиддиновга алам қилди. У мудирнинг хонасига яна хуфёна кириб, портфелдаги китобларни олиб, ўрнига қоғозга ўралган учта ғишт солиб қўйди. Эртасига кутди, қани, мудир ўғрини суриштирармикин, ёки йўқ? Аммо бир кун, икки кун, уч кун... беш кун ўтдики, ҳаммаёқ жимжитлик. Мудир гўё ҳеч гап бўлмагандек, портфелни виқор билан кўтариб келиб, яна шундай салобат билан олиб кетарди. Исомиддиновнинг сабри чидамади. Асомиддиновга сирни очди.

— Каллали одамлар бағри кенг бўлади, — дея тан олмади. Асомиддинов яна. — Майда-чуйда китобларни деб гапни кўпайтиргиси келмаган. Ђиштарингизни эса аллақачон ташлаб юборгани аниқ!

Бир ҳафта деганда Исомиддинов Асомиддиновни яна мудирнинг хонасига бошлаб кирди. Портфель жойида турарди. Бу гал уни Исомиддинов очди. Очди-ю, ўйинга тушиб кетди: ғиштлар қандай «тахлаб» қўйилган бўлса, шундайлигича турарди.

ШАПАЛОҚ

I. ҚОРОНҒИДА КАМПИР ҲАМ ҚИЗ ҚУРИНАРҚАН...

Район газетасида бир мақолам чиқди-ю, бурним араванинг шотисидай кўтарилди қолди. Ҳатто осмонга боқиб юриб, икки-уч марта кўлмак сувга ҳам оралаб кетибман...

Бу гаплардан кейин, эҳтимол сиз каминани қалами ўткир мухбирлардан бўлса керакда деб ўйлаётгандирсиз. Ҳечам-да! Бор-йўғи колхозда оддий почтальонмиз. Бир-иккита оғзидан ел ўйнаб кириб, ел ўйнаб чиқадиганларнинг «Пўлат пўрриқ» деб учирма гап қилишларига эътибор бермай, «Пўлат пўчта» десангиз бўлди, этаги белига турмакланган боладан тортиб милкида тиши арғимчоқ ўйнаб қолган чолларгача «Ҳа, ана» деб каминани кўрсатиб қўйишади. Лекин, ўзимиз газет-журналнинг ичида юрганимиз билан, шу пайтгача қизларга аталган (у ҳам ёшлик даврларимизда денг) «Изҳори ишқ» мактубларидан бошқа қоғоз қоралаган одам эмасдим. Мухбирликка эса ишқимиз тўсатдан тушиб қолди. Тўғрироғи, ҳаётнинг ўзи мажбур қилди. Бир ҳафтача бурун, офтобрўяда пўстакда ёнбошлаганча пинак қилиб ўтиргандим, момашка, яъни кампир онамиз чақириб дашном бериб қолдилар:

— Сўқимга ўхшаб ағанаб ётгунча, фермага бориб озроқ ем-пем ундириб кесанг бўлмайдими? Ана кўр, оғилда инак ҳасса таяниб юрибди. Ковш қайтарай деса, оғзида сўлаги ҳам йўқ. Баччагиналаринг бўлса бир қошиқ оқлиққа зор. Буғалтер ҳамсоянинг

ғўнажинига қара, елини ёрилиб кетса бир ҳовуз сут беради ... Нима, бизники ўғаймиди...

Момашкамизнинг аччиқлари ёмон. Гапини икки қилсангиз, гармдори чайнатади. Менку ҳали боласи, олтмиш олтига кирган ўзимдек бўш-баёвгина отам энамга гап қайтаргандан буён ҳалигача даҳлизда чопон ёпиниб ётади.

Шу боисдан: «Волидан-мушфиқнинг гапини икки қилганнинг тилига тирсак чиқсин», дедиму, дарҳол колхоз фермаси томон йўл олдим. Борсам, ҳаммаёқда дув-дув гап. Ҳа, нима эмиш, ёш чўлиқ Дали дўнги кеча отарга оралаган ҳангидай бўри билан яккама-якка олишиб уриб ўлдирганмиш... Колхоз правлениеси яқинда уни мукофотлармиш...

Хурсанд бўлиб кетдим. Нега десангиз, Дали дўнги бизга сал чатишганроқ қариндош ҳисобланади. Уни бўри билан олишиб енгиб чиқишига ҳам ишончим комил. Чунки, Далибойнинг отаси-ям кўп чекагир чавандоз, бунинг устига полвон одам эди. Якка ўзининг бир ўтиришда уч кило гуручнинг ошини ошаб; ёғига нон тўғраб еб, юқини қоши билан махсисига суркаб, сўнг кекириб ўрнидан туриб кетганини ўз кўзим билан кўрганман, Даливой, ана шу полвоннинг «супра қоқди»-си-да!..

Шу тариқа ўзимча хаёл суриб, оғзим қулогим билан ўпишганча хурсанд бўлиб тургандим, узоқдан Дали дўнгининг қораси кўриниб қолди.

Бўрини йўқласанг, қулоғи кўринади, деганлари шу-да. Лекин, ҳозир рўпарамда бўри эмас, аксинча ана шундай жондор билан

юзма-юз олишиб уни маҳв қилган паҳлавон турарди. Ҳайвоннинг ўроллигини исботламоқчи бўлгандек Даливойнинг афт-башараси бўйни аралаш оқ мато билан боғлаб ташланганди. Афтидан, жанг осон кўчмаганга ўхшайди... Уруғимиздан шундай қаҳрамоннинг етишиб чиққанлигидан қувониб кетиб, Дўнги билан қучоқлашиб кўришдим.

— Бир кунда элу халқнинг назарига тушиб қолдим, тоға, — деди Даливой ҳам гердайиб. — Бугун кечга ферма мудирини чойга айтган. Эртага эса пешинда бош зоотехник-нигига! Энди, тоға... Сизга бир илтимос бор... Газет-журналнинг ичида аралашиб юрадиган одамсиз. Мана шу воқеани газетга ёзиб чиқарсангиз... Ўқиб, зора ферма мудиримизнинг қизи тўйимизга розилик берса! Ўқ де-манг, тоға... Ана, Холбой чиноқ газетда бир чиқди-ю, ҳаш-паш дегунча «бош чўпон» бўлиб кўтарилиб кетди. Лекин-чи, чимилдиққа кирган куним битта олача чопон кийдирад-ди-да. Майли, муштлаб тиқилган ўн қоп сомон ҳам бераман...

Қизлар учун амма-хола қандай ўрин ту-тади билмайман-у, аммо мен сизга айтсам, тоға учун энг яқин жигар бу жиян бўларкан. Мана, Дали жияннинг зийраклигига қаранг, кўзимга тикилиб туриб, ҳатто сомон керак-лигини ҳам сезибди... Ваъдани қуюқ қилиб, уйга қайтдим. Айтилган сўз — отилган ўқ. Шу боис эртаси кун саҳарданоқ столга ўти-риб, елкага гуппи чопонни ташлаб, бошни беш панжа билан қашлаб, қаламнинг учидан тишлаб, ҳар замон-ҳар замонда мияни па-мил чой билан пешлаб, икки варақ қоғозни қоралаб, конвертларнинг энг сарасидан са-

ралиб, ичига солиб елимладим-да, «газет идораси» қайдасан деб йўлга тушдим...

...Кичкинагина хонада кичкинагина йигитча мени илтифот билан кутиб олди. Олдин ёзганларимга, сўнг ўзимга кўз ташлади.

— Яхши воқеа экан, — деди ниҳоят негадир менга эмас, шифтга тикилганча узун сўлиш олиб. — Қайта ишласа бирон нарса чиқар... Ҳа, айтгандек, бу бўрини нима қилдиларинг?

— Қўмиб ташлашган бўлса керак... Ука, энди шунинг бир иложини...

— Бўпти, — бош силкиди мухбир йигит. — Нўмерга қўйдираман. Эртага ўқийсиз. Лекин, шу шарт биланки, бизга тез-тез қатнашиб турасиз. Чунки, ишчи-деҳқон мухбирларнинг хат-хабарларига биринчи ўринда эътибор берамиз...

Гапнинг рости, шу ушоққина боланинг «Эртага ўқийсиз» деганига ишонгим келмади. «Қатта кетдингов, уккағарди ули?!» — деб қўйдим ичимда. Тўғри-да! Мана сизнинг колхозда Гулмат гўшна деган одам бор. Савлатини кўрсангиз, аждоди филдан тарқалганми дейсиз. Ана шу барзанги «Аралаш моллар магазини»да мудир. Мабодо Гулматдан: «Ҳой, гўшна! Сенда палончи нарса топиладими?» — деб сўраб қолгудек бўлсангиз, дарҳол жавоби тайёр: «Пистончи кунни келинг, тайёр қиламиз». Пистончи кунни йўлиқсангиз, яна ўша думи хуржундаги ваъда... Шундай савлатдор одам айтганини қилолмагандан сўнг, бундай жиккакларга йўл бўлсин... Йўқ, акалар гап гавдага қарамаскан. Эртаси кунни сизга ёлғон, менга чин лоп этиб «Йиртқич билан олишув» деган мақола

босилиб чиқса бўладими! Тагида эса камининг табаррук исми-шарифлари. Фақат паспортимда ёзилгандек «Тахиров Полад» эмас, балким «Тоҳиров Пўлат» деб битилган. (Қаранг, шу баҳонада исм-фамилиямни ҳам тўғри ёзилишини ўрганиб олдим.) Бир сўзли одамларнинг садағаси кетсанг-да! Қаранг, мухбир укам ўзи жимжилоқдай бўлса ҳам, аммо бошмалдоқнинг ишини қилибди. Хурсандчилигимдан босар-тусаримни билмай катта кўчага отилиб чиқдим. Бурун осмонда, кўлмак оралаб кетаётгандим, шанғиллаган овоздан ҳушёр тортдим. Қарасам, чап томонимиздаги ўқитувчи қўшним хотини билан ади-бади айтишиб ётибди. Икки ҳатлаб уларнинг ўртасида пайдо бўлдим.

— Ҳў-ў, шляпа! Ҳў, улама соч! — ўдағайладим ҳамсояларга. — Бу нима ғиди-биди-а? Энангларни нақ Учқўрғондан кўрсатиб қўймайин тагин. Биласиларми, мен энди кимман?!

Шундай дея костюмимнинг ички чўнтагидан мақолам босилган газетани суғириб олганимча, эрининг энгагига нуқидим.

— Ўқидингларми? Вот-т!.. Биз шунақамиз! «Тарбияга муҳтож тарбиячилар», деб энди сизларни ёзамиз-да?!

Епирай, газетнинг кучини қаранг. Шу заҳотиёқ қўшниларим балет тушишаётгандек оёқ учларида оҳиста йўрғалашганларича имо-ишора қилишиб кўча саҳнасидан бир зумда ғойиб бўлишди.

Кайфиятим кўтарилиб кетди. Қўшиқ хиргойи қилганча яна сал нари юргандим, боғ қоровули Тонготар бобо тутзорга адашиб кириб қолган бизнинг ола ғунажинни калтак-

лаб ётганига кўзим тушди. Дарҳол газетани силкитганча чолнинг ёнига етиб бордим.

— Хў-ў, салла! Борми ўзи калла? Нега табиат жониворига азоб бераябсиз? Нима, сигир «Қизил китоб»га кирмади деб, уни ҳақоратлаш керакми? Йўқ, адашасиз... Мана, ўқинг! — шундай дея шартта газетани бобойнинг олдига дастурхон қилиб ёздим. — Меники... Вот-т! Биз шунақамиз! Бу сафар «Табиат зараркунандаси» деб ўзларининг устидан-а?

Ё, тавба! Шу тобда қаламнинг учи жуводизнинг учидан ўткирроғмикин деб ўйлаб қолдим. Тонготар бобо сигирнинг сағрисидан силаб, қайта-қайта ундан ва мендан узр сўраб жуфтакни ростлаб қолса бўладими!

— Қизиқ,— дедим ўзимга ўзим вужудимда қандайдир ғайритабиий қудрат сезиб.— Кунора икки-уч мақоласи патиллаб чиқиб ётган ёзгувчи акаларимизнинг нега хурсандчиликдан юраклари портиллаб ёрилиб кетмайди-а? Бўлди энди, бундан кейин ёзишни касби-кор қилганим бўлсин. Пўчтачилик ҳам ҳунар бўлди-ю... Шу пайтгача товонни чақа қилишдан бошқа кароматини кўрганим йўқ... Ҳа, айтгандек бу Дали жияннинг ўзи газетти ўқидимикин?

Кўнгил ўлгур, асли ўзи тўғри-да. Қаранг, ҳали хаёлимни йиғиштириб улгурмасимданоқ Дали дўнгининг ўзи ҳаллослаганча йўртиб келиб қолди. Ҳойнаҳой, жиян бизга қуллуқ қилмоқчи-ёв деб қулочимни кенг ёзгандим, бетовфиқ юзини терс ўгирса бўладими! Упкам тўлиб «Иби, ҳа Даливой?» — дегандим, олган жавобимиз шу бўлди:

— Сал шошибсиз-да, тоға! Шошган пишақ

кўр туғаркан. Одамни кўпчилик олдида шарманда қилдингиз-ку!

— Ие! — аччиқланганимдан чакка томирим бўртиб чиққанини сездим. — Ҳали хизматга тухматми? Қизиқ бачча экансан-ку! Ўзинг айтмадингми, ахир...

— Э-э... — қўл силтади Дали дўнги. — Ўзи айтди деб, ҳаммаёққа жар солаверасизми? Қоронғида кампир ҳам қиз кўринаркан... Мен ўлдирган нарса бўри эмас, қишлоқнинг дайди кучуги бўлиб чиқди. Қоронғида занғар кўзимга бўри бўлиб кўринган экан.

Ростини айтсам, шу дамда Дали дўнгидан ҳам просто хафа бўлиб кетдим. Яна жиян эмиш! Э-э, қанақасига жиян? У ер-бу ерда икки-уч маротаба «тоға, тоға» деб суйкалганига сағир боланинг сазаси ўлмасин деб, бош силкиб қўя қолган эдим. Бўлмаса, бизнинг палакдан бунақа сапча қариндош чиқмаган. Асли, бунинг отаси бемаза одам эди. Эсимда, бир куни бизникида отам билан гаров ўйнаб тўрт кило гуручнинг ошини еёлмай кўзи олайиб қолганди. Ушанда отам бечора қўрққанидан «Ўлиб-нетиб қолса энди нима қиламан!» — деб кечаси билан мижжа қоқмай чиққанди. Дали дўнги ана шу одамнинг боласи-да! Отаси хол қўйгандан кейин, ўғли қурбақанинг кўзини уриб чиқарармиди?! Мана «қахрамон»лигининг чуви чиқиб қариндошчиликка қоракуя суртиб ўтирибди. Ҳай, дариг... Мухбирликнинг ҳадисини энди олай деб тургандим-а!..

2. «ЭНА УҒЛИ» ОДАМ

Шу воқеадан кейин носкадисини йўқотган носкашдай икки-уч кун ўзимга келолмай гарангсиб юрдим. Аммо, яна бир ҳодиса сабаб бўлди-ю, қаламни қайтадан қўлга олишга тўғри келди. Қўшни колхозга тўйга боргандим, эски танишлардан шу хўжаликнинг маданий ишлар бўйича раис ўринбосари Норқизиқов деган одам билан бир товоқдан ош еб қолдик. Газетадаги мақоламни ўқиган экан, у олдин «янги касб» билан мени табриклади, сўнг оғзидан гуруч доналарини сачратганча мақтанганнамо деди:

— Шуям воқеа бўптими? Мана бизнинг колхозни кўр... Жужуқларга атаб бир боғча қураябмиз, кўрсанг оғзинг нақ сабзи ўрадай очилади-қолади. Иморат эмас, сарой дейсан. Бир ҳафтадан сўнг ишга тушади. Оғайни бўлсанг, ёз шуни...

Оғайниларнинг гапини қайтариш инсофдан эмас. Аммо, бир марта оғзим куйганлигидан бу сафар Норқизиқов айтган ўша қурилишни эринмай бориб кўрдим. Дарҳақиқат, қўш қаватли ғиштин иморат анча «бўй чўзиб» қолган экан. Қурилишдан узоқ одам бўлганлигим учун ҳар эҳтимолга қарши қайта сўрадим.

— Ростдан ҳам бир ҳафтада тугатиб, фойдаланишга топширасизларми? Нега унда қурилишда ишчилар кўринмайди?

— Сўзим ёлғон чиқса, отам боласи эмасман! — қасам ичди раис мовини. Даже-чи, бир ҳафтага ҳам чўзмай, келинчакнинг юзидай ялтираб, ўсма хинасини келиштириб ишга туширамиз. Иккинчи саволингга кел-

сак, жўражон, душанба қурилишда дам олиш кунн. Шунинг-чун бугун ҳеч ким йўқ... Кейин, бу объектни шахсан ўзим оталиққа олганман. Дунёга келиб биз ҳам бир газетда чиқайлик-чи, ҳеч бўлмаса пенсияга фойдаси тегар... Ие, нега ишонмайсан. Ёлғон гапирсам, отам боласи эмасман дедим-ку!

Шунча гапдан сўнг бировга ишонмай бўладими? «Ота ўғли» оғайнимнинг кўнглини чўктирмаслик учун бир ҳафтани ўтказдим-у, «Боғча ишга тушди» мазмунидаги хабаримни газетага жўнатдим. Мухбир бола бало экан. Қаранг, орадан уч кун ўтгач, бу мақоламиз ҳам босилиб чиқса бўладими. Яна бурун осмонда, кўлмак оралаб дуч келганига дўқ-пўписа қилиб юрдим. Ҳурмат-иззатни кўриб баттар ҳаволаниб кетдим. Ўша ўзингиз билган ола ғунажинни бозорга чиқариб сотиб, пулига ёзув машинкаси, ўн дона шарикли ручка, бир шакар халта оқ қоғоз олиб қайтдим. Болаларни энаси билан бирга сандаллик ҳужрага «командировка» қилиб (бу ёғи куз яқинлашиб қолганди) ўзим печкали уйни ижодхонага айлантириб олдим. Шу тариқа пўтчалиликни бутунлай йиғиштириб, мухбирликка энди муккамдан кетай деб тургандим, тўсатдан редакциядан «чақириқ қоғози» келиб қолди. Ҳойнаҳой, янги топшириқ беришса керак, деган ўйда ўпкамни қўлтиқлаганча бир зумда етиб бордим. Яна ўша менга таниш кичкинтой мухбир укамнинг ўзи қарши олди. Аммо, бу сафар негадир пешонаси тиришиқдан мола қилинган майдондай тарам-тарам, қоғоғи эса сузма халтадай осилиб тушган эди.

— Биз сиздан хафамиз, — деди у салом-

аликни ҳам насия қилиб. — Нега ёлғон ахборот бериб газетхонларни чалғитасиз? Сиз «битди» деган болалар боғчаси ҳалигача ишга тушмабди-ку? Воообще, сиз қаламга олган ўша қурилиш икки йилдан буён туя гўштиниб ётган объект экан... «Бўрингиз»ниям тарихини эшитдик. Мана, сиз учун хайфсан олиб ўтирибмиз. Буни бизнинг тилда емаган сомсага пул тўлаш дейилади...

...Редакциядан калтак еган одамдай эзилиб чиқдим. Чиқдим-у, йўлни тўпла-тўғри қўшни колхоз томонга солдим. Бориб не кўз билан кўрайки, дарҳақиқат «бир ҳафтадан сўнг битиши лозим бўлган» қурилиш олдин қай ҳолатда кўрган бўлсам, ўша туришда турибди. Жаҳлим чапақайига чиқиб кетди. Теза сочим тикка бўлиб, раис муовинини излаб топдим-да, бор захримни унга тўкиб солдим.

— Нега нотўғри ахборот бериб мени чалғитдинг? Сени деб отамдан эшитмаган сўкишни эшитдим. Буни бизнинг тилда емаган сомсага... Короче, нега қурилишда туя гўштиниб сўйиб ейсан? Ёлғон гапирсам отам боласини эмасман демаганмидинг?!

Норқизиқов осмонга қараб оғзини очиб, қоринини силкитиб кулгандан сўнг, табассумининг таҳини бузмасдан елка учирди.

— Ҳали-ям отам боласини эмасман! Отам ёшлигимизда бизни ташлаб, бошқа аёлга уйланиб кетган. Бизни энам тарбиялаган... Уқдингми? Энди газетда чиқишга бир кўнглимиз суст кетганди-да! Биров бир нима деса, инониб ёзаверасанми, меров! Кўрпангга қараб оёқ узатсанг-чи...

Ҳанг-манг бўлганча хода ютгандек тик

қолдим. Хушим ўзимга келгач, аччиғим чиқиб кетди. «Одамларга ўзи яхшилиқ ёқмасакан,— дедим алаимни тупугимга қўшиб ютарканман. — Шошмай турларинг, энди бирортангни ҳам мақтаб бўлман, энағарлар! Кўзимга кўринганингни пелитун қилиб мухбир укамни олдида бир айбимни ювмасамми?!»

3. «ҚОРА ДАФТАР»ДАГИ ҚОРАЛАМАЛАР

Арслон изидан, йигит сўзидан қайтмас деганлар. Ота ўғли одам айтганини қилади. Отамиз... э, узр, энамиз бизни бир сўзли қилиб туққанлар. Шу боис, эртасигаёқ ниятни амалга ошириш учун қора чарм жилд қопланган дафтарни қўйинга солиб, қора кўзойнакни қаншаримга қўндириб (кимдандир пелитунчилар шундай юради деб эшитгандим) ишга киришдим. Сергайрат йигит эмасманми, кечгача қўйин дафтарим фактлардан қаппайиб қолди. Энг «шубҳали шахс»ларни алфавит тартибида алоҳида бетга ёзиб чиқдим:

1. Алимардонова Холчучук — 32 ёш. Бригадир. Қайнонасининг таъкидлашича Холчучук «терим»ни баҳона қилиб бир ҳафтадан буён ярим кечада уйига қайтармиш. Баъзи кунлари, ҳатто дала шийпонида тунаб ҳам қоларкан. Тунда нима иш қилади, синчиклаб текшириб кўриш лозим.

2. Бурҳонов Итолмас — 26 ёш. Ўзи ёш бўлса-да, аммо бош агроном вазифасини эгаллаб юрибди. Утган йили ғўзапоя сўраб борганимда: «Бу йил, ака, ғўзапояни майдалаб ерга ўғит қилиб соламиз», деб важ-кар-

сон кўрсатганди. Наҳотки, бу тирранча ғўзапоядан халқ хўжалигида нималар олиншини билмаса? Ғирт саводсиз одамнинг гапи-ку, бу ахир! Мабодо раисга қариндош эмасмикин?

3. Бўтаев Жўлли — 56 ёш. Қасби қассоб. Тунов куни экономистнинг энасини «пайғамбар тўйи»да Жўлли қассоб қўй сўйганда унинг тўпиғидан оғзи билан пуфлаб шишириш ўрнига велосипед насоси билан ел бериб жонлиқнинг терисини шилди. Ота-боболаримизнинг удумини бузишга ким ҳуқуқ берди унга?

4. Ғозиев Сотқин — 67 ёш. Отини яшириб «Саша бобо» деб қўйиб олган. Нега бу одамга «Сотқин» деб ном қўйишган. Ёки, бирон жойда-а? Сўраб-суриштириш лозим.

5. Шаропов Тўқбой — 35 ёш. Мактабда физкультура ўқитувчиси. Тўйларда кураш тушиб жамғармасига «Москвич» машинаси сотиб олган. Негадир отасидан кўра ҳамсоياسي Носир носфурушга ўхшаб кетадиган белгиларини сезгандай бўлдим. Орияти йўқ йигит экан-да. Гап ташлаб кўриш керак.

...«Қора дафтар»даги қаламимга илинган номзодларни яна икки-уч бор синчиклаб ўрганиб чиққач, столга ўтирдим. Хўш, кимдан бошлаймиз? Ие, шунга ҳам бош қотириш керакми? Албатта, Холчучукдан-да!

Нега десангиз Холчучук рўйхатнинг бошида турибди. Иккинчи томондан қайта текшириш мобайнида бошқа номзодлар нобоп чиқиб қолишди. Жумладан, бош агроном Итолмас Бурҳонов буғалтернинг «солдат тўйи»да раиснинг ўнг ёнбошида ўтирди. Баъзи миш-мишларга қараганда у раиснинг қизи

билан чекка-чеккада дон олишиб юрармиш. Демак, биқинидан жой олиб ўтириши ҳам бежиз эмас... Агар иш шу тарзда кетадиган бўлса, яна тўққиз ойдан сўнг раис бовага куёв бўлиб турибди-да. Шундай одамни пелитун қилиб бўладими? Раиснинг олти ўғли орасида якка-ю ягона эркаси шу қизи бўлса, севикли куёвини хор қилдириб қўймас. Шу боисдан Итолмасбойнинг устидан чизиқ тортишга тўғри келди...

Жўлли қассоб ҳам жўмард экан. Секин олдига бориб: «Устингиздан шикоят бор. Пелитун қилгани келдим!» — деганимни биламан, бобойнинг оғзидан носи, қўлидан пичоғи тушиб кетса бўладими! Сўнг патак соқолини юзимга ботириб «чўлп-чўлп» ўпа кетди. Отанг қатори одам, бўйнингга осилиб, қўлтиғингга қўйнинг бир бутини тиқиб юборса, гап тополмай каловланиб қоларкансан киши. Шундай одамни «қора дафтар»да сақлаб бўладими! Шартта фамилиясининг устидан бир эмас, иккита чизиқ чизвордим.

«Саша бобо»нинг саксон саккизга кирган кампир энаси бор. Ушандан: «Момо, нега одамлар улингизни Сотқин деб аташади?» — деб сўрагандим, негадир кўзига ёш олди.

— Э, ярамга туз сепдинг-да, бачам, — деди у тамшанганча. — Етти болани кетмакет ерга берганман. Турсунтош ҳам дедим, Қолсинбой ҳам дедим, барибир биронтаси турмадиям, қолмадиям. Шугина боламини Сотқинбой деб тирик олиб қолганман. Лекин у ҳаётда сотқинлик қилгани йўқ, урушгаям биринчилардан бўлиб кетган. «Саша» деган номниям ўша ёқдан олиб келган. Болаги-

нам ҳозир эски контузиси қўзиб баннисада ётибди. Ҳай, бачам, нега сўроқлаб қолдинг?

Гапнинг очигини айтсам чўчиб кетдим. Тўғри-да, уруш инвалидига қарши бир нарсаси деб бўладими? «Ўғлингиз ҳақида мақтаб мақола ёзмоқчийдим», деганча кампирга тасалли бердим у жуфтакни ростладим. Уйга кела солиб Сотқин бованинг устидан қалин қилиб...

Кечга яқин Тўқбой полвоннинг уйига эниб бордим. Қарасам, кураш тушгани етмагандай, бу сафар дарвозахонанинг болорига илинган бир қоп увадани муштлаб ётибди. Бокс бўйича район мусобақасида қатнашармиш. Шу пайтгача уни ҳеч ҳам яланғоч кўрмагандим. Гавдасига қараб капалагим бошимдан учди-кетди. Ҳар билагини менинг сонимдан катта, кўкрагининг ёлига сичқон ораси адашиб кетади. Ана энди ўзингиз айтинг, шундай жондорсифат одамга: «Нима учун отангдан кўра, ҳамсоянга ўхшаб кетасан?» — деб сўраб бўладими! Чақалоқнинг калласидек келади у мушти билан бир уриб жағимни ушатиб қўяди-ку!

Полвоннинг елкасига қоқиб: «Маладец! Шундай, ўзим... Катта ўғилчани сизга шогирдликка гаплашгани келгандим...» деганча ортимга тисарила қочдим. Уйга келиб Тўқбойнинг тўғрисига ўроқдек сўроқ белгисини қўйдим. Ҳозир фурсати эмас экан...

Хуллас калом, «қора дафтар»да Холчучук бригадирдан бошқа номзод қолмади... Тўғри... Холчучукка ҳам учрашиб «Устингдан шикоят бор! Мени биласанми, кимман...» дея энди гап бошлагандимки, бир

қоши баланд, бири паст бўлиб талаб ташла-
са бўладими!

— Биламан кимлигингни... Бориб турган
ишёқмас, дангаса ва иғвогарсан! Хотинингни
ҳасратидан-ку чанг чиқади. Уни рашк қилиб
ишлатмаганинг етмагандай, ҳозир ўзинг ҳам
бекорчихўжа бўлиб юрганмишсан. Уйда қоқ-
қани қозиқ, илгани хурмача топилмайди,
дейди бояқиш. Бобой билан момайнинг пен-
сия пули корига яраб турганмиш. Бу бир.
Иккинчидан, шикоят қилган одамнинг ўзини
тили, забони бордир. Керак бўлса, ўзи келиб
гаплашсин. Мени бекорчи вақтим йўқ. Ҳо-
зир ҳамма икки қўли, ўттиз икки тиши билан
пахта териб ётибди-ю, сен нега гўнг қарғага
ўхшаб ахлат титиб юрибсан. Далага чиқсанг,
муртинг тўкиладими? Белингадаги белбоғми
ёки иштонбоғми?

Ана кўрдингизми, бунинг заҳарлигини?
Кундузи кўзойнак, кечаси чироқ ёқиб қидир-
сангиз ҳам бундан ортиқ пелитунбоп одамни
излаб тополмайсиз. Бўлди, шу сочи узун,
ақли калтани ёзганим бўлсин. Шошма, ўзи
фактлар етарлими?

4. «ПЕЛИТУНБОП» ХОТИН

Хотирамни супра қоқди қилиб кўрсам,
Холчучук тўғрисида бир бўғча бўлгулик
фактлар бор экан. Нега десангиз, мен бу жу-
вонни ёшлигимданоқ биламан. Ўрта мактаб-
да ҳам ўн йил бирга ўқиганмиз. Ёшлигида
денг, ана шу Холчучук тол хивичдай нозик-
кина нарса эди. Кейин далада ишлаб юриб,
нима бало, селитранинг устида ухлаб қолди-
ми, кўп ўтмай чинордай бўй тортди. Тан олиш

керак, ўша пайтда ҳам юрганида товонидан ўт чақнарди. Қилиқларини айтинг, қилиқларини. Пахта пайкалининг четида қурилган шийпон ёнидан каттакон сой пишқириб оқиб ўтарди. Ўғил болалар шийпоннинг томидан туриб ўзини сойга отса, Холчучук томдана баландроқ тол шохига чиқиб сувга калла ташларди. Чиллак ўйнаганимизда-ку, қарсиллатиб урган чиллагини қаерга бориб тушганлигини тополмай тинкамиз тоза қурирди. Ўзингиз инсоф билан айтинг, мана шу қилиқлар қиз болага ярашадими? Ярашгани қурсин, булар ҳали ҳолва экан. Юқори синфга ўтганда Холчучук кўпкари чопадиган одат чиқарди. Асли, отаси Ориф чавандознинг сиёғи йўқ-да. Бўлмаса нортуюдай-нортуюдай ўғиллари бу ёқда қолиб, отининг жиловини рўмол ўраган шу қизига тутқизиб қўярмиди! Кўп куйсам, кўзимнинг оқига зарар деб юргандим, барибир бўлмади. Орияти бор одамга бу ишлар бигиздек ботаркан. Қаттиқ ботганлигидан шу қизга баҳас қиламан дедим-у, аммо сувни кўрсам сакрайдиган, отни кўрсам оқсайдиган бўлиб қолдим. Нега десангиз, сузишни кўрсатиб қўяй деб сойга калла ташлагандим, чўкиб кетишимга озгина қолди. Чавандозликда доғда қолдирай деб ният қилгандим, бу сафар ҳам омадим юришмади. От олиб қочиб ерга тоблаб урганди, гўнг уюмининг устига тушган бўлсам ҳам уч ойгача оёғимни босолмай юрдим.

Шу билан ғавғо тугадими дерсиз? Қайда, расвоси бошланди.

Ўрта мактабни тугатгач, Холчучук бир йил звеновой, иккинчи йилга ўтиб эса бригадир бўлиб қолди. Биз ҳам қолишганимиз

йўқ, биринчи йили университетдан, иккинчи йили эса техникумдан «йиқилиб» келдик. Шундан сўнг бекорчиликдан кўра эрмак, деб энамизга пенсия пулини санашга ёрдамлашиб юргандим... Қаранг, томдан тараша тушгандай, тўсатдан Холчучукка уйлангим келиб қолса бўладими? Кўнгил-да! Мен сизга айтсам, кўнгил дегани кўршапалакдай нарса бўларкан. Ожиз бўлсаям, лаҳм гўштга кўнгли суст кетаркан. бўлмаса, бориб, бориб... Балким, севиб қолгандирсиз деб ўйларсиз. Бе, қайда, севгининг кўчасида танга йўқотган одам эмасман. Шунчаки ўзим, кунларнинг бирида шифтдаги қалдирғоч уясига тикилганча шу қарорга келдим:

— Пулатбой жўра, мана, туядай бўйинг ҳам чўзилиб қолди. Энди ҳунарли бўлмасанг ҳам, хотинли бўлишнинг йўлини қилгин-да! Қачонгача юрасан ёстиқ қучоқлаб. Билсанг сўққабошлик давлат ҳам эмас, савлат ҳам. Қара, мана шу қалдирғочдаям қорагина бўлсада, ўз жуфти-ҳалоли бор. Яна десанг, хўрози бир хас ташиганда макиси тўрт марта бориб келаябди. Сенга-ям, ана шундай ўзингдан кўра рўзгор учун елиб-югурадиган бир эпчил хотин даркор. Менга қара, ёмон кўрсанг ҳам шу... Холчучукка уйлансанг қандай бўларкин-а?!

Хаёлимга келган бу даҳшатли фикрдан чўчиб, беихтиёр ўрнимдан сакраб туриб кетдим. Учук-пучук ўрмаламадими деб лаб-лунжимни ҳам ушлаб кўрдим.

— Утир уккиғарнинг ули! — деди шунда ҳалиги ички овозим буйруқ оҳангида. — Нега ноз қиласан. Қара, унинг қиз эмас, қайнаб турган қумғоннинг ўзи-ку! Тикилиб қа-

расанг, кипригинг қайрилиб кетади-я! Елка-
лари обкашдай, овози чанқовуздай, чиройи
эса... Э, э, чиройига нон ботириб ермидинг,
сен унинг бақувватлигига қара. Пўлат бўл-
санг ҳам шу қиз сени бир урса-чи, пўла қи-
либ қўяди. Ке, жўра, пулинг куйсаям шунга
уйлан. Турган битгани наф. Айтайлик, баҳор-
да иккита гўсада оберсанг, икки елкасига ик-
ки боғдан ўт ташиб трама маҳалигача елини
тирсиллаган иккита гунажинга айлантириб
беради. Беш йилда, қарабсанки, гижингла-
тиб «Жигули» ҳайдаб юрибсан-да. Айтишла-
рича, Холчучукнинг ўтган йили пахта тери-
мида ишлаган пулиям бир бўҳчадан ошган-
миш. Отни олдинроқ қамчилаганингда, эҳти-
мол ким билади... Ҳозир бармоғингни тупук-
ка булаб, ўша пулларни қарсиллатиб санаб
ётган бўлармидинг?!. Ке, жўра, хўп де!

Шу тариқа хийла пайтгача ўзимни ўзим
авраб ётдим. Бировга «йўқ» деб ўрганмаган,
бўйни бўшгина одаммасманми, кўп таранг
қилмай рози бўла қолдим. Ўзимни-ку бир
амаллаб кўндирдим, аммо, момашкага бу
гапни қандай қилиб тушунтирсам экан. Се-
кин деразадан мўраласам, энам супада ур-
чуқ йигириб ўтирибдилар. Фурсатни бой
бермай тезда ёнларига бориб тиззаландим-
да қимтиниб-тортиниб бўлса-да, ярим-ёрти
қилиб дардимни ёрдим.

— Эна, ҳаккалакам-дуккалакам ўйнагим
келаябди. Лекин, шу «Чори чанбар, бўри ан-
бар» айтишга Ориф чавандознинг қизига, бу
атрофда тенг келадигани йўқ-да! Нима дей-
сиз-а?

Момашка бир оз хаёлга толгач, сўнг ур-
чуғига ияк тираб кулдилар.

— Энангди боласисан-да, бачам. Дидинг чаккимас. Холчучукни айтасан-да? Тунов куни гузарда кўрувдим. Ўзиям сўпитўрғайдак-кина қиз бўпти. Сочи ер супуриб илон-билонг қилиб кетаётганакан. Оғзим очилиб орқасидан анграйиб челагим ерга тушиб кетганини ҳам сезмабман. Майли, мен рози... Бўлмаса, бориб, киндик кесган момангни айтиб келай. Саксонга кирсаям, ҳали сақичи оғзида. Тили-жағи бутун. Йўқни йўндиради, ишни дўндиради. Совчилик десанг, сакраб югуради...

Шундан кейин вадаванг тўй бўлгандир, дерсиз? Қайда, шифтга термилиб сурилган хаёлнинг ҳаммаси ҳам амалга ошавермаскан. «Йўқни йўндирадиган» момом бу сафар ишни дўндиролмабди. Уни Холчучукнинг ўзи қарши олиб: «Ўша аммамнинг бузоғига бориб айтинг, олдин мишиғини артиб олсин», деб жавоб берганмиш. Ҳай, мени-ку эркалаб «бузоқ» дегани дуруст. Лекин «мишиғи» нимаси экан. Ўлай агар, тушуниб етган бўлсам. Асли кампирнинг қулоғи оғирлик қилиб гапни яхши илғаб олмаган кўринади! Энам бўлса бу гапга негадир қовоғидан қор ёғилганча: «Қизи борнинг нози бор-да, бўлмаса-ку, бориб юмма талардим-а» деди-ю, бошқа совчи излаб кетди.

Ишонасизми, етти марта совчи жўнатибмиз. Холчучук киндик кесган момомни ҳалиям ҳурмат қилиб сийлаганакан, қолган олти совчини ари талагандан баттар қилиб қувиб солди. Бузоқча ноз қиламан деб тол шохини синдирган экан. Бу қиз эса менинг шохим... Йўғ-е, йигитлик қадримни оёқ ости қилди. Қадрим майлику-я, совчиларга кетган ҳаражатга куяман! Эссиз, сувдай оққан сўлка-

войларим... Шунча сарф-харажатга қайтага бозордан ҳанги эшак сотиб олганимда, ҳеч бўлмаса ҳозир сомон ташишда нафи тегарди...

Лекин, бир ҳисобда Холчучукка уйланимаганим дуруст бўлган экан. Нега десангиз, кейинчалик ўзи топиб, ўзи суйиб теккан эри сиқувдан бўлса керак, ҳозир мужиб ташланган суякдай бўлиб қолган. Сабаби маълум, Холчучук далада кетмонни қандай ўйнатса, уйда эрининг бошида чўмични ҳам худди шундай ўйнатади. Ишонмайсизми? Ёлғон айтсам, ёнғоқ палла ҳовузда чўкиб кетай, тизза бўйи тепадан юмалаб ўлай... Ҳатто, бир марта ўз кўзим билан кўрганман, эри ариқ бўйида чўккалаганча қозон-товоқ ювиб ўтирганини... Эркак ҳам шундай мижғов бўладими? Бўлмаса, уйланишдан икки ҳафта бурун ўша куёв бўлмишнинг олдини тўсиб айтгандим: «Ҳу, биродар! Бу келин бўлмишнинг кимлигини биласанми ўзи? Еки оҳ-воҳ қилиб менга ёзган хатларини кўрсатайми-а? Гап-сўз кўпаймасин деб ёқиб юбуровдим, бўлмаса-ку олдингга дастурхон қилиб тўшаб ташлардим-а! Эсингни йиғ, ука... Шу қизга уйлансанг-чи, шернинг қафасига ташланган қўзидан фарқинг қолмайди... Ҳа!»

Бошқа одам бўлса бу гапларга ёқамдан олган бўларди. Йўқ, бу киши тиржайганча индамай жўнаворди. Баччагар тезда тўй қилиб уйланишгаям ҳам улгурди. Бу-ку ҳали эри, Холчучук бригадасидаги эркакларнинг ҳам бурнини ерга ишқаб ишлатармиш. Бу гапгаям юз фоиз ишонаман. Рост бўлмаса, уч йилдан буён судралиб юрган бригада, бу киши бошлиқ бўлгач, бирдан планни ошиб-

тошиб кетадими? Эркак одамнинг қўли баракали эканини бу хумпар аёл бўлсаям билди-да! Устма-устак, мукофотни қаторлаштириб олганини айтинг. Биринчи ўн кунликда рангли телевизор, иккинчисида кажавали мотоцикл, терим охирида эса «Москвич» машинаси... Ўша кунлари катта йўлда уч-тўрт марта олдини кесиб ўтдим. Қайда, ўзини кўрмасликка олди. Бошқа диёнатлироқ аёл бўлганда айтарди: «Шу қоракўз ҳам кўчада бекорга қоқиниб юргани йўқдир. Нима қилсаям биринчи муҳаббатим-ку! Бир пайтлар мени деб қанча соғлиғу сўзжавойидан ажралганди. Ке, шу бечорадан энди қарзимни узай. Машина майли, мотоцикл шугинанинг бўйгинасидан айлансин», деб. Йўқ, қайтага йўлини кесиб чиқавериб, пошнамнинг узилгани қолди, холос.

Ана энди, айтинг, шундай аёлни пелитун қилмай бўладими? Аммо, бу фактлар камлик қилар-ов, яна бир бор орқасидан пойлаб «свежий» далиллар билан қўлга тушириш керак-ка ўхшаябди...

5. ШАПАЛОҚ

Мақсадимни амалга ошириш учун эртаси куниеқ оқшом пайти Холчучукнинг бригадасига қараб йўл олдим. Шийпон яқинига бориб оҳиста мўраласам, каттакон гужум тагида Холчучук табелчиси Полвонбой билан чўт қоқиб ўтирибди. Хирмонда эса икки-уч нафар колхозчи тележкага пахта ортиш билан овора...

Биров кўриб қолса, тагин туришимдан шубҳага тушмасин деган мақсадда яшириниш учун атрофга кўз югуртирдим. Сал на-

рироқдаги шарқираб оқиб ётган сой бўйида ҳашак ғарами босилган экан. Пусиб бориб... Мен сизга айтсам, бировнинг орқасидан пойлаб, сир ўғирлаш ҳам осон иш эмас экан. Ўзимга жой очаман деб ғарам ичига қўл тиққанимни биламан, бармоқларим оғриқдан жизиллаб кетди. Илон чақдиёв деб ўйлаб ҳушимдан кета қолаёзиман. Пайпаслаб кўрсам йўқ... ҳашакка чақиртиканақ аралаштириб босилган экан. Хуллас, бир амаллаб жойлашиб олиб, тиззамга дафтарни қўйганча қулоғимни динг қилиб кузатишда давом этдим.

Холчучук ўрнидан қўзғалиб, пайкал ора-лаб юрган қизларга қарата қўлини карнай қилиб қичқирди:

— Қизларжону-у-ув! Бўлди, чарчадинглар, эртага нариги пайкалда биринчи теримга тушасизлар. Бугун эртароқ қайта қолинглар...

«Ана! — дедим гумоним тўғри чиқаётганлигидан қувониб. — Демак йигитлар билан ўзи ёлғиз қолмоқчи. Ну, погоди!»

Холчучук дуррачасини ечиб қайта тангиркан, бу сафар тележка атрофида турганларга қарата қўл силтади.

— Ҳой, йигитлар... Бўлди, сизлар ҳам тезроқ пунктга жўнай қолинглар... Биз Полвонбой билан ҳали бир оз ишлаймиз...

«Ҳа, ана, — кўнглимдаги шубҳа баттар чўғланди. — Демак, табелчи билан хилватда танҳо қолиб-а? Ну, погоди!»

Хурсанд бўлган пайтим кайфим келиб, чекмасдан тура олмайман. Шу тобда ўзимни тутолмай, ҳовучимда яшириб папирос тутатдим...

— Опа, бир қўшиқ айтмайсизми? — деб қолди бир пайт табелчиси қўлини икки томонга ёзиб керишганча. — Мия озроқ дам оларди-да!

«Ҳа, — дедим ўзимча. — Ҳали сен хумпар, дўмбира чалиб опангни ўйнатсанг ҳам керак. Демак, олдиндан булар... Ну, погоди!»

Холчучук ҳам шу гапни кутиб турган эканми, овозини баралла қўйиб «Чаман ичра»...ни бошлаб юборди. Тан олиш керак, қурғурнинг овози ёмонам ширали экан. Хурсанд бўлганда кайфим тутгандай, ашула эшитганда пинак қиладиган одатим бор. «Чаман ичра» авжига чиққанда сариёғдек эриб кетиб «хашак ичра» пинакка кетиб қолибман. Қаранг кўнгилнинг кенглигини, шу алфозда туш ҳам кўрибман... Тушимда каттакон боғ эмиш, булбуллар роз айтаётганмиш, мен Холчучукнинг қўлларида ушлаб... Бир пайт «ярқ» этиб яшин чақнабди-ю, бутун борлиққа ўт кетибди... Холчучукдан нажот кутиб унга қарасам, қўлида паншаха, бир гала хотин-қиз билан устимга бостириб келаяётганмиш... «Ҳали сенми, — дермиш Холчучук кўзларида ўт чақнаб, — Менинг ортимдан пойлаб, фисқу фасод билан шуғулланиб юрган?! Шунча пайтгача индамадим, энди...»

Зум ўтмасдан қизлар оёқ-қўлимни боғлаб даст кўтаришибди-ю, ловуллаб ёниб турган оловнинг қоқ ўртасини мўлжаллаб...

Дод солиб уйғониб кетдим. Қарасам, хашак гарамни лов-лов ёнаябди. Афтидан, ухлаб қолиб папиросни ўчирмаган кўринаман... Чопонимнинг этаги ёниб, костюмим энди тутаётган экан. Ҳушим бошимдан учиб дод солганча хирмонни айланиб чопа бошла-

дим. Тарозида пахта ўлчатишаётган қизлар мени кўриб, ажина деб ўйлашди шекилли, чинқиришганларича ўзларини эгатга уришди. Табелчи Полвонбойни айтинг, полвон бўлмай ўл, жойида серрайганча қотди-қолди... Биргина Холчучук «Бу жинни тагин хирмонга ўзини урмасин!» — деди-ю, чопганча келиб, белбоғимдан даст кўтарганча пишқириб оқаётган сойга томон отиб юборса бўладими! Утда ёниб ўлдинг нима-ю, сувда чўкиб ўлдинг, нима! Кошки сузишни билсам... Яхшиям «дод» дейдиган тилим бор... Табелчи йигит қирғоқда уёқдан-буёққа югуради-ю, менга қўшилиб додлашдан нарига ўтмайди. Дунёдан энди умидимни узиб тургандим, яна ўша Холчучук... «кўрганимда афтим буришадиган», «иқим суймайдиган», орқасидан пойлаб юрганим, ёмон кўрган одамим ўша Холчучукгина ўйлаб-нетиб ўтирмасдан ўзини сойга отди...

...Ҳушимдан кетган эканман, кўзимни очсам, нишолдага ботирилган жўжадай хирмоннинг қоқ ўртасида ялпайиб ётибман.

Дармоним қуриб-қақшаган бўлса-да, тура солиб, қулочимнинг борица шапалоқ тортиб юборгим келди. Кимни дейсизми? Кимни бўларди... Ўзимни-да!

ҚҰЙГА ЕМ БҰЛГАН ҚҰЗИВОЙ

Ҳар кимнинг ўз севган суҳбат мавзуи бўлади. Кўпинча бу мавзу кишининг касби-коридан келиб чиқади. Чунончи, новвойга нон

ҳақида гапир десангиз, у сизни шундай сўл-қиллама, сачратма кунжит сепилгандай хуш-бўй гаплар билан сийлайдики, роҳат қила-сиз. Мабодо суҳбат гардиши айланиб улоқ-қаи келиб тақалди дейлик, даврада биронта чавандоз ўтирган бўлса, у бир ҳамла билан оғзингиздан гапни юлиб олиб, тилига тақим қилиб, бир олиб қочсинки, уни кейин сўзидан тўхтатиш югуриб кетаётган отни тўхтатиш-дан кўра мушкулроқ...

Фалокат босиб қўй ҳақида гап кетмасину, Қўзивойга гап тегмасин. У қўй ҳақида гап бошлаганда қўй-қўй, демасангиз, қўймасдан дўппига тўрт кун, телпакка тўққиз кун га-пирадиганлар хилидан.

Қўзивой қўй-қўзилар ҳақида сўз юрит-ганда, дастлаб нилий осмон тагида, кўк ден-гиздан андоза олган бепоён яйловлар манза-раси кўз олдингизга келади, сўнг қулоғин-гизга совлиқларнинг карт-курт қилиб беда чайнашлари эшитилгандай бўлади ва ниҳо-ят энг сўнгги манзара: илиги оқиб, гўшти ҳил-ҳил бўлиб турган катта сўнгак... Эрта-лаб дурустроқ чой ичмаган одам даврада ўтирган бўлса, кўнгли озиб беҳол бўлиб қо-лиши турган гап...

Шу Қўзивой денг... Намунча ҳалидан бе-ри Қўзи-Қўзи, деб қолдинг, Қўзивойнинг ўзи ким, дерсиз? Ие, ҳали Қўзивойни тани-майсизми? Қўзи бу Қўчқор аканинг ўғилла-ри-да! Қўчқор акангнинг ўзи ким, дейсизми? Ана холос... Буёғи қизиқ бўлди-ку! Мен сизга айтсам, Қўчқор ака бу унча-бунча одамга таёғини тутқазмайдиган зарбдор чўпонлардан бири бўлган. Қўзивой эса ана шундай та-баррук кишидан қолган ёлғизгина зурриёт.

Шу бола денг, яқинда жувонмарг бўлиб кетди. Мен унга айтгандим: «Хў, бола! Сен ҳолвайтар деб ўйлаётган нарсада ҳам суяк бор...» Майли, менинг гапим сатқан-сар, Чори бобони айтинг, Чори бобони... Энди Чори бобонг ким бўлди дейсизми... Оббо, гап ҳам калавасидан чиқиб чуваланиб кетди-ку! Қўриб турибман, ҳеч нарсага тушунмай қолдингиз. Гапни бошидан бошламасам, ўзимнинг ҳам фикрим чувалашиб кетди...

Қўзивой билан илк танишувимиз шундай бўлганди: Бундан бир неча йиллар муқаддам каминалари район газеталаридан бирида мухбир бўлиб ишлардим. Кунлардан бир кун редакторимиз чиқариб: «Тоғли яйловларимиздан бирига бориб, илғор чорвадорларимиз ҳақида яхши бир очерк ёзиб келинг», деб қолди. Хўп, дедиму йўлга тушдим. Журналист деганингиз бамисоли милтиқнинг ўқи — бир зумда айтилган манзилга — тоғ орасидаги Ойтамға қишлоғига етиб бордим.

...Мана, бир томони туя ўркачига ўхшаш адирларга туташиб кетган яйловнинг ўртасидаги вагон-тўсиқлар билан ўралган ўтлоқда ёзилган кигизда ёнбошлаганча Чори бобо деган «машъал» бир чўпон билан суҳбатлашиб ўтирибмиз. Асл ниятим ҳам мана шу чўпон ҳақида ёзиш эди. Тухумпалла нусха пиёлада узатилган қимизни хўплаганча бобойга секин мақсадимни айтдим. Хурсанд бўлиб қучоқлаб кетадими десам, аксинча кескин эътироз билдирди:

— Чироғим, бизлар қаҳрамонлик кўрсатиб ишлаган бўлсак, бир вақтлар ишлагандирмиз. Ҳадеб номи чиққан кишиларни яна мақтайвериш... қандоқ бўларкин. Яхшиси,

ўтиб кетдим, у, у билан анчагача узилишиб қолдик. Орадан тўрт-беш йил ўтгач, эски қадрдонимни бир кўриб, у билан отамлашиш орзуси мени яна Ойтамға томон етаклади.

Бу сафар ҳам биринчи учратган кишим Чори бобо бўлди. У киши қўтонда бир-икки-та чўлиқ йигитлар билан жун қирқишаётган экан, ҳол-аҳвол сўрашгач, Қўзивойни сўрадим.

— Қўзивой, дейсанми?.. — Чори бобо бир дам қўлидаги дейсанми?.. — Чори бобо бир бармоқлари қайчига тикилиб қолди, сўнг толаларини сидирар билан тигга ёпишиб қолган жунди: — Биринчидан, дағал оҳангда де-Қўчқоров бўлиб кетган. Тагин олдида Қўзи деб атама, чироқ, хафа бўлади-я! Иккинчидан, Қўчқоров ҳозир чўпон эмас, фермага мудир. Районга ҳозир чўпон эмас, фермага...

...Ярим соатдан кейин мажлис бўлаётган жойга етиб бордим. Эшикни секин қия очиб, якка кифт бўлиб ичкарига суқилдимда, яқинроқдаги стулга чўка қолдим. Минбарда, сочини тақир қилиб олдирган аллақандай семиз бир одам, юзидан шаррос қуйилаётган тер доналарига ҳам эътибор бермай баланд овозда гапирарди, тўғрироғи бақирарди:

— Уртоқлар! Қўйчилик етти хазинанинг бири! Қўйнинг ўзи эса беҳиштдан чиққан жонивор...

Нотик кўзимга иссиқ кўринди. Яхшилаб тикилдим. Бу кўзлар... мен унинг кўзларидан танидим... Бу Қўзивой эди. Ёпирай, одам деган одам шунча семирадими! Семизликни фақат қўй кўтарарди, дейишарди, ёлғон экан, мана Қўзивой ҳам кўтарибди-ку!

Қўзивой эса минбарда турганча сўз дурларини жўхори сўталарини сочгандек пастдагиларга сочарди:

— Уртоқлар, шоир Муқимий: «Эй, табиб, қўй боқма», деган бўлсалар ҳам қўйда ҳикмат кўп. Мана, масалан...

Ажабо! Киши гап сўраганда чилласи чиқмаган куёвдан қимтиниб турадиган Қўзивой бугун минбардан туриб гапни роса андава-лаётибди-ку!

— Қўй боради қўзи билан, бир-бирини изи билан деганларидай, биз ҳам раҳматли падаргинамизнинг орқасидан бориб... Мен Қўзи бўлсам ҳам, қўчқорнинг иши қўлимдан келадими, ҳа...

Бир оздан кейин Қўзивой минбардан тушиб келди. Мени кўрдию қучоқ очиб пешвоз югурди. Бел сиқишдик. Ҳол-аҳвол сўрашиб, ташқарига чиқдик.

— Табриклайман, Қўзи...э-э. Уртоқ Қўчқоров, бу, а?

— Раҳмат, раҳмат!.. — Қўзивой сўзимни бўлиб тирсагимдан ушлаганича бир четда турган сутрангли «Волга» томон етаклади.

— Бу энди, сизларнинг хизматингиз... Одам бир мақталмасин экан, жўра! Ҳозир сиздан ташқари ҳам, — иккала қўлини панжасини ёзиб кўрсатди, — мана шунча муҳбир жўрам бор!

— Гапларга ҳам тўн кийдириб юборадиган бўл кетибсиз...

— Ҳа, энди, кунора мажлис бўлиб тургандан кейин... Сўнг, ўзимиз ҳам ул-бул нарсаларни кўздан кечириб борамиз. Албатта ҳаммасини тўлалигича эмас, айрим қизиқ-қи-

зиқ жумлаларнигина китобдан кўчириб оламан. Мана, алоҳида блокнот ҳам тутганман, ўқиб берайми?.. «Кўй кўрмаган кўй кўрса, қува-қува ўлдирад...» Ёки бўлмаса бунисини эшитинг. «Оқ кўй ҳам, қора кўй ҳам бир оёғидан осилади...», «Оқ чашма сар чашма». Нутқ сўзлаётганингда мана шуларни секин гапнинг қатига қистирворсанг, томдан тушган товۇқдай гап ҳам қанотини ёзиб юборади...

Мен эса унга тикилганимча, олдинги ўзим билган камтаргина Қўзивой қандай қилиб мана шундай савлатли Қўчқоровга айланганлигини ўйлаб кетгандим. Негадир бирдан субҳатдошимдан ажралгим келиб қолди. Лекин, Қўзивой қўярда-қўймасдан машинани тўғри уйига ҳайдади... Дастурхон устида нимагадир ранжиб ўтирдим. Тандиркабоб ҳам бу сафар негадир чучмал туюлди. Қовоғимга зеҳн солиб ўтирган Қўзивой, «бўйни узун»дан бир-иккитаси каравот тагига киргач, тўсатдан гапириб қолди.

— Балки сиз мендан хафа бўлаётгандир-сиз, — деди у кўнглимдагини сезган кишидай. — Лекин, менда айб йўқ. Айб одамларнинг ўзида. Уша газетада биринчи бор мақталиб чиққанимдан сўнг бош зоотехникимиз ёнимга келиб, елкамга қоқди: «Қўзивой, энди машъалларимиздан бири бўладиган бўлдинг, мажбуриятни қўрқмасдан катта олавер, гап бор», деб қолди. «Тоға, мен бундай қилолмайман», десам, жеркиб берди: «Уёғи билан ишинг бўлмасин, гапимиздан чиқмасанг ошинг олчи», деб. Кўнглим ўлгур бўш эмасми, йўқ деёлмадим. Уша йили қорғоз бўйича, ишонсангиз 60 бош совлиқдан 150 та қўзи

олдим... Лекин, зоотехник ҳам ўғил бола экан, сўзида турди, бир йилдаёқ бош чўпон бўлдим, ҳозир эса фермага мудирмиз... Тўғри, биз ҳам уни қуруқ қўйганимиз йўқ. Йе, сиз нега суяк чайнамаяпсиз?..

— Раҳмат, тўйдим... Ишлар авж, денг!

— Авж, авж, — Қўзивой кўп ичса кўзининг жиякларигача қизариб кетаркан.

— Мана бу йил ҳам, ҳали квартал ярим бўлмасдан гўшт планини юз процентга бажариб қўйибмиз!

— Роса ишбилармон чиқиб қолибсиз-ку...

— Мен-ми? — Қўзивой қадаҳ тутган қўли билан кўкрагига нуқди. — Мен эмас зоотехникимиз ишбилармон. Бу гап шу ерда қолсин. Мана, нонни ўпинг... Майли, ўпмасангиз ҳам айтаман. Суянадиган тоғинг мустаҳкам бўлса, кимдан ҳам қўрқасан... — Қўзивой кулоғимга энгашиб шивирлади: — Бизнинг бир қўйимиз ўн-ўн беш килодан чиқади!

— Йўғ-э, — дедим ҳайрон бўлиб. — Битта қўй-а?

— Ҳамма гап шунда-да, бўлмаса планни қандай бажарардик.

Мана, Қўзивойни ғовлатиб юборган «селитра»ни солувчилар қаёқда экан! Наҳотки, шундай жиноятларни кўриб, бирон кимса...

— Бу, Чори чўпон ... — деб энди гап бошлагандим, Қўзивой чивин ҳайдагандай қўлини силкитиб, сўзимни бўлди!

— Ах, қўйсангиз-чи ўшани... Соқолини пеш қилиб насиҳат қилгани қилган. Соқол эчкида ҳам бор-да! Ичи қора одам экан...

Хизрни йўқласак бўларкан, остонада Чори бобо пайдо бўлди.

— Э-э, отам... — Қўзивойни ҳиқичоқ тутиб қолди. — Х-хўш, ке-либ... ҳ-ҳиқ... сиз... ҳ-ҳозир сизни...

— Қўзивой! — деди ота даҳлизда турганча, менга эътибор ҳам бермасдан. — Отангинг арвоҳи деб, яна бир келдим. Қўзингни оч, бола! Жаҳаннамга кетяпсан! Бош зоотехник сени...

Қўзивой яна қўли билан «чивин қўриди».

— Мол-чи, бобой! Мен жаҳаннамга эмас, тахти ҳ-ҳиқ... равонга кетяпман. Яш-яшашни билиш керак, о-отам. Биламан, сиз шу ёшгача чўпонликдан кўтарилмаганингизга а-алам қ-қияпти. Ҳиқ... топдимми? Зоотехник золотой... билдиз... ҳ-ҳиқ... Мол-чи!

— Молчимайман! — Чори отанинг бўйин томирлари бўртиб, соқоли титраб кетди. — Хў, чироқ! Бу дунё ўзи кемтик яратилган бўлса. Одамлар бу дунёга ўздан бирон яхши нарса қолдириш учун, уни бойитиш учун келишади. Сенга ўхшаганлар эса... Э, бор-э!

Чори бобо чопонининг этагини бир силкиб чиқиб кетди. Қўзивой эса унинг орқасидан ёш боладек қиқирлаб кулди.

— Ана, ана... Кўрдиз. Ичи қора бу чолни, алам қилаяпти. Ҳе, ўл... кўролмай! Ҳай, майли, нечего... қани яна биттадан уриштирайлик...

Пайтдан фойдаланиб мен ҳам дилимдагини айтиб қолмоқчи бўлдим:

— Чори бобо тўғри айтди. Ҳар ҳолда, қари билганни, пари билмас... — Сўнг мухбирларга хос файласуфликка ўтдим. — Қадимда Томас Мор деган одам: «Қўйлар одамларни еб юбормоқда», деган... Албатта бу гап бошқа маънодаку-я...

— Ким дедингиз? Томар Гўр дедингизми?! Лекин хафа бўлманг-у... ўша Гўрингизнинг эси пастроқ экан. Нега? Негаки, бизни қўй еёлмайди, аксинча, биз қўйни нимталаймиз, мана бундай қилиб, ҳа-ҳа-ҳа, — Қўзивой катта сўнгакни товоқдан оламан деб, дастурхонга ўмганлаб қолди. У ётганча гўлдиради: — Лекин, яхши гап экан. Блокнотимга ёзиб қўяй...

Жаҳлим чиқиб кетди. Сатқан гап: мастга гапирдинг нима-ю, мана бу бўш шишага гапирдинг нима! Ирғиб ўрнимдан туриб дарвоза томонга йўл олдим. Қўзивой эса орқамдан жавради:

— Хў, арақ совуб қолди-ку!

* * *

Орадан бир ой ўтди. Ҳовурирдан тушиб бундай ўйлаб қарасам, мен хато қилибман. Унга панд-насиҳат қилишим керак эди. Ёш нарса жиноят йўлининг бошида турибди-я!!!

Тушликка яқин Ойтамға қишлоғига етиб бордим. Ҳар доимгидек бу сафар ҳам биринчи учратган кишим Чори чўпон бўлди. Саломни қуюқ қилиб Қўчқоровни сўрадим. Чол қўтонни тозалаётган экан, ишидан бир нафас тўхтаб, менга саволомуз қаради:

— Қайси Қўчқоров... Э-э, ана у Қўзивойни айтасанми? Чолнинг юзи бирдан тундлашди, қўлларини юзига суриб фотиҳа ўқиган бўлди-да, сўнг ғамгинлик билан деди:

— Бандалик экан, чироқ...

— Ие, ўлдими?! — деб сўрадим капалагим бошимдан учиб.

— Йўқ, бу дунё қайтар дунё экан! Қўй-
ларни керагидан ортиқ еб қўйган экан, қўй-
лар ҳам ўз навбатида Қўзивойни бошига ет-
ди... — деди Чори чўпон чуқур уҳ тортиб,
сўнг қўтоннинг эшигини қаттиқ ёпиб ичкари-
га кириб кетди. Бир оз ҳанг-манг бўлиб тур-
гач, мен ҳам индамай ортимга ўтирилдим.



ҚОРБОБО ИНТЕРВЬЮ ОЛАДИ

Ҳадеб машҳур кишилар, машъаллардан интервью олиш инсофдан эмас. Ахир жамиятимизда умрлари тугаб бораётган айрим «Сўнгги нусхалар» ҳам учраб турибди-ку?! Эҳтимол уларнинг орзу-ўйлари билан танишиш уларга қарши умумий курашишимизда қўл келар?! Шу боисдан янги йил арафасида Қорбобо «Сўнгги нусхалар» тоифасига кирувчи бир неча кишилар билан учрашиш учун йўлга чиқди.

1. ЛАГАНБАРДОР ҲУЗУРИДА

Э-э, ассалому алайкум, отагинам!.. Хуш келибсиз, биз томонларга. Ўзим ҳам денг, неча замонлардан буён сиз билан танишишга

орзуманд эдим. Қаранг, бугун ўнг томоним билан турган эканман-да. Шу отахонимнинг нуроний юзларини бир кўрсам-у, табаррук қўлларидан тутсам, деб хаёл суриб келаётгандим. Хизрни йўқласам бўларкан. Бе, Хизр нима? Сизнинг олдингизда, у сариқ чақа! Соқолга қаранг!.. Бай-бай-бай... Соқол бўлса шунчалик бўлади-да? Ҳар тукида бир ҳикмат бўлса керак? Биттагина толасидан эсдаликка берасиз... Қийимларни ҳам асилидан топибсиз, ҳойнаҳой импортни-ёв?! Энди, бу бурунни қаранг, бурунни... Қош-кўзни айтмайсизми? Вой-бў... Тўра Тўраевичнинг шундоқ ўзгинаси-я. Лекин зўр ўғлингиз бор-да, отахон. А, лаббай?! Тўра Тўраевичнинг отаси эмасман, дейсизми? Э-э, унда кимсиз? Қорбобо? Айтдим-а, рангингиз бунча совуқ деб. Буруннингизнинг қизиллигидан ўлгудай пияниста чолга ўхшайсиз. Тезроқ ўтинг, бу кўча Тўра Тўраевичнинг кўчалари. У ким дейсизми? Наҳотки у кишини танимайдиганлар ҳам бўлса? Бизнинг каттамизлар. Ҳозир шу ердан у кишининг ўғилчалари ўтиб қолиши керак. Кутиб турибман. Портфелларини мактабгача кўтариб боришга аҳд қилганман. Сизни у кишининг оталарими, деб гумон қилибман. Э, аттанг... Янги йилда нимани орзу қиласиз, дейсизми? Орзулар қалашиб ётибди, бобой. Биринчи орзум бош инженеримизнинг думи тугилса. Нега десангиз, Тўра Тўраевич билан яқинлашишимга тўсиқ бўлаяпти. Кеча хўжайини ошхонада лағмон еяётган экан. Олдиларига бориб секин шипшидим: «Лағмон еманг, хўжайин. Хамири ичакка ўралиб қолиши мумкин». Хўжайин шунда хохолаб: «Раҳмат, қизиқчи экансиз?»—деяётганди, ёнларида ўтир-

ган бош инженер эса менга қараб қошиғи билан ўдағайлаб қолди: «Яна товланаяпсанми, илон? Лаганбардорлигинг энди кетмайди!»

Тўра Тўраевичнинг сайроқи қушлар нағмасини хуш кўрадиган одатлари бор. Иккинчи истагим, Янги йилда қушларга тақлид қилишни ўрганиб олсам. Хўжайиннинг доимо ёнларида қуш бўлиб хониш қилиб юрсам. Учинчи орзуим эса... Э-э... Ана кичкина хўжайин чиқдилар... Қани, четга чиқинг... Ассалому-алайку-у-ум, кенжатой...

2. ОТАРЧИ ҲУЗУРИДА

Келмоқда бир бобомиз,
Чўнтагини қоқамиз.
Қошни учир, Санамоёй,
Ҳар боқининг сўлкавой...
Тўй бўлсин-о, тўй бўлсин,
Чўнтаклар пулга тўлсин.

...Салом, бобой! Тўйга таклиф қилмоқчимисиз? Овора бўласиз, уч жойдан закаладни олиб қўйганмиз... Ўшалардан яканини ошириб берсангиз, унда сизникига бораверамиз... Лекин-чи, тўйнингизни болаймиз. Программамизда ёш-қарини беҳаловат қиладиган қўшиқлар ва ҳар қандай кишининг қитиқ патини ўйнатувчи Санамоёйнинг жон олгувчи рақслари ўрин олган... Хўш, тўйлари қачон? Аммо бу яқшанбагача бўлмайди. Ҳали айтганимдай, уч кишидан чўталини олгандим. Биттаси завсклад, иккинчиси магазинчи, учинчиси ўз туғишган укамиз. Агар келишсак, укамнинг ўрнига сизникига қадам ранжида қилай.

Бошқа масалада келдим, дейсизми? Янги йилда нимани орзу қиламан? О! Орзулар! Букрининг орзуси чалқанча ётиш. Бизники эса ҳар сония, ҳар дақиқа, тўй, базм бўлсин, деймиз. Ахир, менинг ашуламни эшитмаган-мисиз:

Тўй бўлсин-о, тўй бўлсин,
Чўнтаклар пулга тўлсин.

Қаримбой қамоқдан чиқиб келгани учун уч кун тўй берди. Биз ҳам хизмат қилдик. Яна болаларни имененаси, «Нон синдирар», «Чорлар», «Парча бурон», қўйди-чиқди кабиларга ҳам биз санъаткорлар бир жуфт қайроқ яллasi билан ташриф буюрсак. Яна бир орзум... Э-э заказчик келаяпти. Қани, Сана-мой! Уртага йўрғаланг... Вой-ҳай-й...

3. ИҒВОГАР ҲУЗУРИДА

...Қани, нарироқ сурилингчи, чол... Вей, бу атроф бунча ифлос? Тартиб деган нарсa борми ўзи? Э-э, анови шляпа ўтиб кетгунча панангизда олиб тулинг... Ҳайрият, сезмади... Лаънати, ҳали ҳам ёруғ дунёда қад кўтариб юрибди-ку... Мен эса аллақачон унинг пайини қирқдим, дегандим. Эсиз, шунча меҳнатларим... Ким бўласан, дейсизми? Юринг, ҳув анови қоронғироқ жойга ўтайлик. Ёруғлик баданимга игнадек санчилади... Эрталаб ҳам-маёқни рутубат босганлигидан ташқарига чиққандим. Қаранг, яна қуёш чарақлаб кетди... Қиш бўлгандан кейин бўронингни юбор-майсанми? Шу об-ҳавочиларнинг устидан ҳам бир ёзмасам бўлмайди! Ҳа, ўзинг ким бўла-

сан, деб сўрадингизми? Биз бир холис ниятли одам. Яъни ёзгувчимиз. Дунёдаги жамики шубҳали шахслар устидан қалам юргизамиз. Бугун мана шу чойхонанинг эгасини текширмоқчиман. Боласининг ўзига ўхшамаслиги тўғрисида қўлимда фактлар бор. Ҳу, чой ташиётган зумраша ўшанинг боласи... Эътибор беринг-а, қўйкўз. Отасининг кўзи эса қоп-қора. Билсам-билмасам роддомда алмашиб олган ёки хотини... Ҳи-ҳи... тушундингизми?.. Маҳалла оқсоқолининг устидан ҳам бир бўхча тўплаганман. Чунончи, у шу ойнинг йигирма бешинчи числосида магазин қоровули Тешикхалтаевнинг тўйида қазини қаламтарош билан кесди. Мендаги маълумотга кўра, у шу паккиси билан ўн учинчи числода кучугининг қулоғини кесганди. Гапнинг очиғи сиз ҳам кўзимга шубҳали кўриняпсиз? Оқ соқолингиз ўзингизникими? Ҳм-м, Қорбобомисиз? Янги йилда нимани орзу қиламан? Ҳо, орзу деб менинг сиримни билиб олмоқчимисиз? Овора бўласиз! Балки, Қорбобо ниқобида юрган... а? Мен кетдим, туя кўрдингми, йўқ!..

4. АРОҚХҲҲР ҲУЗУРИДА

...Қим у, бемаҳалда келиб кайфнинг белига тепган? Ҳм-м, нима мақсадда келдиларинг?! Кўпчиликмас, битта одамман, дейсизми? Шунақами... Кўзимга тўртта бўлиб кўринганингизга бир-бир қиламизми, деб хурсанд бўлгандим. Қорбобоман? Қорбобомисан, Норбобомисан, бурнингни қизиллигидан улфатга ўхшайсан. Қани, мақсадга ўт! Орзулар дейсанми? Орзу деб, оғизни катта

очгунча, олдин обизамзамнинг кичкинасидан бўлса ҳам столга тақиллатиб қўймайсанми, хумпар! Томоқни ёғлаб, кўнгилни чоғлаб гаплашмаймизми? Хотин кетгандан бери шизанинг юқини сувга чайқаб ичиб ўтирибман. Лаънати биронта одекалонини ҳам ташлаб кетмади-я. Буниси олтинчиси эди. Гапнинг рости хотин деган зотнинг тупроғи ҳаммаси бир жойдан олинаркан. Кейингисининг гавдаси менга нисбатан тўрт баравар катта эди. Эшикдан ёнлаб ўтмаса уйга киролмасди... Уша гавдаси билан уч ойга зўрға чидади. Биринчи орзум шуки, янги йилда кулбамга янги хотин келса... Топармон-тутармон бўлса. Бошинг лўқиллаб, томоғинг қақраб турган вақтда, ўлганнинг устига тепгандай даҳлизга чиқариб қўймасдан, бошингни тиззасига олиб, обизамзамдан томизиб турса... Яна бир орзум шулки... Э, соат икки бўлибди-ку! Бобой беш бериб турунг... Йўқ деманг, яна бир бор уйланиб, хотин олсам, албатта қайтараман...

ҒАЛАТИ ЖУМБОҚ

Эрталабки нонушта ўрнига хотиннинг аччиқ-аччиқ, нордонгина гапларига тўйиб олганмиз. Аслида-ку, хотин деган зотнинг оғзидан чиққанини ўша заҳотиёқ муҳайё қилиб, лабларини елимлаб ташласанг бўлади-ку-я! Лекин бизга ўхшаган бошида шляпаю, чўнтагида хемири йўқлар оғзидан чиққани у ёқда турсин, бола-чақасига дурустроқ бошпана ҳам топиб беролмагандан кейин, у бечоранинг ҳам фиғони кўкка ўрлаганича бор-да!

Бундай олиб қараганда, ишим ёмон эмас,

маошим ҳам тарози босадиган, лекин бу ижара қургурнинг ҳақи... Бу ёққа йўлланма билан ишга жўнатишаётганларида менга: «Қамида уч йилда ёш кадр сифатида уй-жой билан таъминланасиз», — дейишганди. Уч йил эмиш, мана бу йил олтинчи йил ўтиб, ўзимизда ҳам «ёш кадр»чалардан яна учта пайдо бўлиб қолди-ю, ҳалигача кўч-кўронни кўтариб ижарама-ижара юрибмиз...

Иштихонадаги уй-жой масаласида шуғулланувчилар билан эса қўш-қўллаб кўришавериб, қўллар қадоқ, беллар эса букри бўлиб кетаёзди. Улардан ҳамон совуннинг кўпигидай ваъда-ю, уйда эса хотиндан дийдиё! Аммо бу сафарги дийдиёси олдингиларининг ҳаммасини босиб кетди:

— Бўлди, пичоқ бориб суякка тақалди. Отамникига кетаман! Эр бўлиб битта уйнинг уддасидан чиқолмасангиз, нима қиламан сиз билан яшаб...

Югуриб уйдан чиқиб кетдим. Йўқ! Бунақаси кетмайди! Бу сафар маҳаллий комитет ходимлари билан очиқ гаплашаман. Ё уёқлик, ё буёқлик!

Шу ўйлар билан ишхонага ҳам етиб келдим. Энди тўртинчи қаватга, месткомнинг олдига чиқсам бўлди. Лекин, мана шу ерга келганда яна танамга она сути билан кирган тортинчоқлик, уятчанлик ҳиссиётидан бўшашиб қолдим. Ҳар сафар шунақа бўлади. Месткомимизнинг олдига — тўртинчи қаватга эмас, худди баланд чўққига кўтарилгандай минг азобда чиқаман.

...Ниҳоят, пешонасига «местком» деб ёзиб қўйилган эшикка етдим. Бир оз иккиланиб

тургач, бармоғимни илгак қилиб эшикни секин тақиллатдим-да, ичкарига кирдим.

Одатдагича бир ғарам қоғозларга кўмилиб ўтирган местком бошини кўтариб, менга хўмрайиб қаради.

Сўнг «э-ши-та-ман», дегандек қаламнинг орқаси билан столга тўрт марта секин-секин урди.

— Уй-жой масаласида... Ўзингиз биласиз...

«Би-ла-ман» дегандек местком бу сафар қаламини столга уч марта урди.

— Қийналиб кетдим, ўртоқ Холдорович! Квартира эгаси: «Бир ҳафтадан кейин ўғлим ҳарбий хизматдан қайтади, уйни бўшатиб қўйинглар!» — деяпти. Буёғи қиш... Келингиз икки боласи билан грипп...

Гапларим титраб, шу даражада маъюс чиқдики, ўзимнинг овозимга ўзимнинг раҳмим келиб кетди. Дастрўмолимни чиқариб энди маза қилиб кўз ёши тўкай, зора-мора бу тошбағирнинг кўнгли эриса, деб турган эдим, Холдоров — қаламнинг орқаси билан столга яна уриб қолди. Бу сафар бир марта, лекин қаттиқ зарб билан урди. Сўнг менинг башарамга қараб эмас, деразага тикилганча бақирди:

— Ўв-в, ука! Олдимга ликиллаб кириб чиқиб, хонамни каптархона қилиб юбордингиз-ку! Айтдим-ку, сизни очеритга ёзиб қўйганмиз, нўмирингиз тўқсон тўққиз деб. Навбатингиз келганда оласиз-да, уйни!

Хумпарда овоздан ҳам бор экан. Бироқ, унинг бақирғининг зарбидан шу пайтгача менда бўлган тортинчоқлик пардаси «ёрилиб» кетгандай бўлди.

— Нега менга қичқирасиз! Мен сизга нима... шахсий дачангизнинг ярмини беринг, деб кирдимми? Мен ўз ҳақ-ҳуқуқимни талаб қилаяпман. Навбат, навбат дейсиз? Бу навбат ўлгур олти йилдан буён тўқсон тўққиздан тушмаса.

Холдоров бир сесканиб тушди-да, нигоҳини деразадан олиб менга тикилди. Мен эсам ўзимнинг гапларимдан ўзим чўчиб кетдим. Сизга ёлғон, ўзимга чин, ҳеч қачон бировга бундай бақириб гапирмаганман. Лекин, гап тизгини аллақачон тишларим орасидан суғурилиб улгурганди:

— Хўш, инсоф билан айтинг-чи... — овозимни яна бир парда юқорига олдим. — Нега энди кечагина ишга келган қаёқдаги Эшмат-Тошматлар уйли-жойли бўлиб кетишди. Нима улар катта холангизнинг ўғлими? Йўқ! Бу ерда бир гап бор. Тегишли жойга бориб...

Гапларим нишонга тегди шекилли, Холдоровнинг ранги ўзгарди.

«Ҳа-а,—ўйладим ўзимча, — иллатинг бордирки, оёғинг қалтирайди».

— Шошманг, шошманг... ука! — деди у ўзини ўнглаб олиб... — Шунча дардингиз бор экан, ахир бундоқ...

Сўнг менга қараб сирли ишшайди:

— Укагинам, Соттиев, жумбоқ гапларни топишга қалайсиз?

— Ишим шунга боғлиқ бўлса, биттамас мингта жумбоғнингиз бўлса ҳам топиб ташлайман.

Холдоров ўттиз икки тилла тишини ярқиратиб кулди.

— Ўлай агар, ҳозир битта жумбоқли гап айтсам топа олмайсиз!

— Топаман! — дедим мен ҳам ўжарлик билан.

— Келинг бўлмаса, гаров ўйнаймиз, — деди Холдоров менга қўлини чўзиб. — Топсангиз, ҳожатингизни чиқараман. Топмасангиз ҳам ишингизни ҳал қиламиз-ку. Лекин жумбоқнинг жавобини нақд пулга сотиб олишингизга тўғри келади. Шунга розимиз?

Хурсанд бўлиб кетдим: ишқилиб кваттира тегса, хотиннинг дийдиёсидан қутулсам бўлди.

— Розиман, — дедим қувониб.

— Бўлмаса эшитинг, — Холдоров иккала қўлини бир-бирининг панжалари орасига киргизиб иягига тиради-да, ўйчан ҳолга кирди. — Менга айтинг-чи, калладек келадиган тош билан мана шу дераза ойнасини синдирса бўладими ёки йўқми?

— Синдирса бўлади, — дедим ишонч билан кўп ўйлаб ўтирмай. Калладек тош билан бунақанги ойналарни бир уриб чилпарчин қилворса бўлади...

Местком бошини сарак-сарак қилди.

— Афсуски, нотўғри! Шу калла билан институтни қандай қилиб битиргансиз, ҳайронман!

«Наҳотки нотўғри топган бўлсам, калладек келадиган тош билан-а?! Ёки месткомнинг деразасида бир гап бормикан?!»

Хуллас, гаровда ютқаздим, топишмоқнинг жавобини нақд пулга сотиб олишга тўғри келди. Жумбоқнинг жавоби қуйидагича экан: «Калладек келадиган тош билан дераза ойнасини синдириб бўлмайди, агар у чумолининг бошидек бўлса...»

Ҳисоб-китобни қилиб, хомуш чиқиб кетаётгандим, Холдоров тўхтатиб, меҳрибонлик билан елкамга қоқди.

— Хафа бўлманг, жиян Менинг жумбоқларимни битта сиз эмас, неча-неча Эшмат-Тошматлар ҳам ечолмаган.

Квартиранинг ордери қўлимга текканига шукр қилиб чиқиб кетдим. Орадан кўп ўтмай ишхонага тўртта қалин гилам берилганини эшитиб, «яхши ният» билан яна месткомнинг олдига кирдим. Бу сафар суҳбат қисқа бўлди. Холдоров кўзларини сузиб менга тикилди:

— Қичкина декча, ичи тўла михча! Биласанми шуни... А, лаббай?

Қаранг шуни ҳам билмас эканман. Яна чўнтак кавлашга тўғри келди. Бир даста пулни қўшқўллаб месткомга узатдим. Шу пайт эшик очилиб, келишувимиз бўйича икки киши орқамдан хонага бостириб кирди.

— Шошманг, — дейишди улар ён чўнтакларидан қизил гувоҳномаларини чиқаришганича. — Бу жумбоқни мана биз ечамиз!

Холдоров яна «светофор» ҳолига келди, сўнг хушидан кетиб, стулдан ерга қараб қийшай бошлади.

НУСРАТНИНГ КУНДАЛИГИ

(«Қоғоздаги қайғулар» туркумидан)

15 май, ... йил

Гоҳо қишлоқда туғилганингга ҳам афсусланиб кетаркансан киши! Умримнинг гўзал онлари чанг-тўзон ичида ўтиб кетаяпти, деб

қайғураман-у, лекин бир ойдан сўнг ўрта мактабни тугатиб, шаҳарга кетишимни ўйласам, севинчим ичимга сиғмайди. Шаҳарга боргач, бирор институтга кириб оламан-да, ялло қилиб юравераман. Лекин қайси институтга бориш тўғрисида бирон-бир аниқ фикрга келганимча йўқ. Борайлик-чи, ўйлашга вақт кўп-ку...

Бугун адирда сигирни ўтлатиб қўйиб, осмонга қараб ётгандим, кўзим самолётга тушди. Узоқ вақт маҳлиё бўлиб, қараб қолдим. У шаҳарга кетаяпти...

21 май

Табиатим хира. Ҳаммасига Дониёр билан Ҳури айбдор. Нимани ўйлаб топишибди денг, бутун синф қишлоқда қолиб, ота-боболаримиздан чўпонлик таёғини қабул қилармишмиз... Баъзилари механизатор бўлармиш, «Беанойини топибсанлар!» — деб энди оғиз жуфтламоқчи эдим, болалар «Ур-р-а» деб қийқириб юборишди.

Уларнинг бу гапини мактаб маъмурияти ҳам маъқуллади, қаранг. Колхознинг бош чўпони Тонготар бобо кўзларига ёш олиб, дуо қилиб ўтирибди. Миқ этмай ўтиравердим, ўн йил ўқиб чўпон бўламанми, айтишга ҳам уялади киши.

...Район марказига бориб, янги фасон шим заказ қилдим. Ялтироқ кўзойнак олдим. Шаҳарга борганда «қишлоқи» деб аташмасин тағин.

22 май

Мендан бошқа синфдошларимнинг барчаси колхозда қоладиган бўлишди, сиртдан

ўқишга киришармиш. Район газетасида ҳам уларни мақтаб ёзишди. Мен эса шаҳарга «учиш» учун шайланиб юрибман.

Бугун Дониёр билан бир оз айланиб қолдик. «Чўпонлик шарафли касб. Унинг ўзига хос гашти, сурури бор. Кўпчиликдан ажралма! Сиртдан ўқийлик», — дейди-я у.

Зап гаштни топибди, жазирама иссиқда мол кетидан юришни ўйласам, юрагим орқамга тортиб кетади.

10 июнь

Шаҳар ўйлаганимдан ҳам минг чандон зўр. Одамлари ҳам сипо, ёнидан ўтаётиб қоқилиб кетсангиз, ўзини гуноҳкор билиб, кечирим сўрайди. Парклар, хиёбонларни айтмайсизми! Гўзал оғушида юргандекман... Хўш-ш, энди бу ёғига ҳаётни қандоқ давом эттирсам экан? Ўйлаб-ўйлаб (ўйларим бу сафар негадир узоққа чўзилди) ҳужжатларимни журналистика факультетига топширишга қарор қилдим. Битирсанг, кимсан — ёзувчи ёки шоир! Ёзувчи бўлиш хўп маза-да, илҳом келса ёзасан, келмаса ялло қилиб юраверасан. Қишлоғимизга бир ёзувчи келганда, директоримиз эгилиб кўришганини кўрганман!

Хаёлнинг кўркам булутлари оғушида ухлаб қолибман. Туш кўрдим. Дониёр эчкининг орқасидан қувлаб, йиғлаб юрганмиш. Кулиб уйғониб кетдим.

15 июнь

Ёзувчи бўлиш пешонада йўқ экан, ҳужжатларимни олишмади. Журналистика фа-

культетига кириш учун газета-журналларда қатнашиб юрган бўлишинг керак экан.

Ҳа, майли, журналистика бўлмаса, театр институти-да, умуман айтганда, артистликдан яхши касб йўқ. Амакимнинг тўйида биттасини кўргандим, доиранинг филофини пулга тўлдириб кетганди. Ундан ташқари, саҳнага чиққанингда олқишлар, ҳуштакбозликлар, қизлар дастхат сўраган, гулдасталар... Уйлаб юрагим орзиқиб кетаяпти.

Куни билан саҳнада ўзимни қандай тутишни, томошабинларга тавозе билан жилмайишни машқ қилдим. Рубоб чертиб, ашула айтавериб, томоғим қирилиб кетди.

4 июль

Артистлик ҳам пешонага битмаган экан. Биринчи имтиҳондаёқ қулатишди. Санъатдан узоқ эмишман!.. Керак бўлганда яқин келардик-да!

Кўнглим хира тортиб, кўзимга дунё қоронғу кўриниб бораяпти.

20 август

Қишлоққа қайтгим бор-у, лекин юз йўқ. Энди нима қилсам экан?

Вой анув қушча қай томонга учаяпти?!

Қишлоққа эмасмикан?

Ҳой қушча, тўхта! Бирпас тўхтагин, учинингга қараганда мақсадинг аниққа ўхшайди, ҳамроҳ бўлайлик...

ХОЛХҲЖА ХАФА БҮЛДИ

Район газетаси қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири Холхўжа ака тариқдеккина одам. Аммо одамнинг кўринишига қараб фол очиб бўлмас экан, ана шу жимитдеккина одам баъзан шундай «залворли» гапларни топиб гапирадики, унинг маъзини чақаман деб сочингиз тўкилиб кетиши ҳеч гап эмас. Редакцияга иш ўрганиш учун келган Собирқулнинг ҳам сочи шундай гапларни эшитавериб анча сийраклашиб қолди.

Дастлабки танишувдаёқ Холхўжа ака рўпарасида қўл қовуштириб турган Собирқулнинг дароз гавдасини ички бир ҳасад билан кўздан кечираркан, шундай гап қилди:

— Сомсага қалайсан, устудент?

«Қимсан, қаердансан?» — каби саволларни кутиб турган Собирқул бу жумбоқ гапга нима деб жавоб қилишни билмасдан, андек каловланиб қолди.

Студентнинг оғзини сирачлаб ташлаганлигидан мамнун бўлган Холхўжа ака стулдан сирғалиб тушди. (У савлатли кўриниш учун тагига ёстик қўйиб ўтирар, натижада оёғи ерга тегмай саланглаб қолар эди)

— Сомса, бу — пиёз! — деди сўнг Холхўжа ака бармоғи билан ҳавони кесиб. — Пиёзсиз эса таом йўқ. Таомсиз инсон яшай олмайди. Инсонсиз ҳаёт кемтик. Демак, хулоса нима? Сомса, бу — ҳаёт. Мана сенга фалсафа? Уқдингми, устудент?

— Уқдим, — деди Собирқул ҳеч нарса уқмаган бўлса-да, бўлим мудирига ёқишга тиришиб. — Сомса, бу — ҳаёт, экан!

— Уққан бўлсанг, — деди Холхўжа ака

кителининг ён чўнтагидан занжирли соатини олиб кўз ташларкан. — Югуриб сомсахонага бориб кел-чи. Оёқ олишинг қандай экан! Танишувимиз ҳам сўнг ана шу сомса устида бўлади... Хўв-в, устудент... Шошма, у ерда гавдага қараб хизмат қилишмайди. Мени айтди, десанг, безочеред оласан...

Орадан бироз вақт ўтгач, Собирқул сомса олиб келди. Холхўжа ака столнинг устига уларни битталаб ёйиб чиқди-да, сўнг ғаладонидан мурчдон ва уксус солинган шиша идишни олди. Оғзидан сўлакайини оқизганича сомса санади.

— Бир, икки, уч... Ўн беш дона! Яхши! Қани, энди, сомса совимасдан танишиб олайлик. Таом устида танишув хайрли бўлади, дейишади. Отинг нима?

— Собирқул Соқиев...

— Яхши! Энди анови телефон дафтарчамни ол. Мана «С» ҳарфи. Демак, ёзамиз. Собирқул Соқиев, практикант, студент. Хўш!

Холхўжа ака бошини кўтариб, Собирқулнинг юзига эмас, унинг чиройли тугилган галстугига қараб тамшанди.

— Хўш!.. Даданг нима иш қилади, шов-воз?

— Отам йўқ, — деди Собирқул ғамгин ҳолда чой қайтарар экан. Олти ёшимда аварияда...

Холхўжа ака бир нафас тек қотди, жуда хафа бўлди шекилли, ручкасини зарда билан столга ташлади.

— Отам йўқ? Ие, демак, бундан чиқди, телефонларинг ҳам йўқ-да! Шу гапни дарҳол айтмайсанми. Тавба, нуқул менинг бошимга қаердаги сағир, етим-есир болалар

Ўитган Редактордан ҳам ўргилдим, қачон ошна-оғайнигарчиликка чек қўяди, ҳайронман. Утган йили товуқ фабрикаси директорининг ўғли практикага келганди. Уни маданият бўлимига ўтказиб юборди. Ҳа, десам, боланинг шеър-пер ёзишга ҳаваси бор экан, дейди. Тавба, отаси товуқ фабрикасига директор бўлса-ю, ўғли шеър ёзиб, қурбақанинг кўзини чиқарармиди! Редактор ўшани мени қўлимга топширса етти хазинанинг биридан ўзи ҳам, биз ҳам баҳраманд бўлардик. Йўқ, менга қолганда қаёқдаги детдомда ўсган бир студентни беришди. Ўзиям пичоқ билан тилсанг қон чиқмайдиган хилидан экан. Бемаъзани ҳовлидаги ҳаммомнинг деволини урганини ҳисобга олмасам, умулман ундан ...қилча ҳам... Мана бу йил ҳам аҳвол шу! Э-э, ўргилдим!

Холхўжа ака жаҳли қаттиқ чиққанлигидан аламини сомсадан олди. Ҳаш-паш дегунча ўнтасини туширди.

Холхўжа ака бир оздан сўнг, оғзи банд бўлганлигидан, қўли билан ҳавода ниманингдир шаклини ясади. Унинг кўзларини сузиб, лабларини чапиллатганча овқат ейишини томоша қилиб турган Собирқул ирғиб ўрнидан турди, аммо бўлим мудирининг имо-ишорасини тушунмасдан анграйганча тек қолди. Холхўжа ака охирги луқмани ютгач, ниҳоят кўзини очди:

— Чойдан қуй, дедим. Нима, меровмисан? Сомсадан кейин чой йиғлашиб кўришади-да! Хўш-ш, ука. Лекин шу ўқишга бекор кирибсан! Қоғоз қоралаш ҳам иш бўлдим. Бир умр рангинг қоғоздек оқариб юради. Ҳозир, мен сенга айтсам, авто асри! Бу «автосер-

виз», «автозаправка», «автобаза» деган жойларга ишга кириш керак, деганим. Мана, қўшним оддий автобус шофёри, унинг ҳам маошдан ташқари кундалик даромади бор. Менда-чи... Эҳ, умрни қайта бошлашнинг иложи бўлганда эди... В-ообщем, ука, сағир бўлсанг ҳам менга ёқдинг. Етимлардан кўп катта одамлар етишиб чиққан. Келажакда бирон йўғон касб эгаси бўлиб кетсанг, албатта, мени унутмайсан. Хўш, қайси колхоздан ўзи сеники... «Қизил юлдуз»данми? Э-э, Хўш-келдиев деган ферма мудирини бор-а? Тоғам бўлади? Буни қара-я, энди менга сапсем ёқиб қолдинг-ку! Тоғаннинг жияни бўлсанг, унга мендан салом айтасан-да, қўчқор бўлмасаям, дагарнинг зўридан биттасини... Йўқ, яхшиси бирон кун бирга борамиз. Сен эчки, қўй танлашни билармидинг? Қўй гўшtidан сомса емаганимга ҳам анча бўлди. Хўш, энди ишга. Уч-тўртта хат бор, ўшани ҳозир обзор қиласан. Кечқурун эса бизникига борамиз. Лой тайёрлаб қўйганман. Қишлоқ хўжалиги техникумидан иккита ўқувчи сўрагандим, бемазалар келишмабди. Ҳали бир фельетон қилай, кейин билади менинг кимлигимни. Бугунча сувоқ... Ундан кейин, майли, колхоз-совхозларга бориб материал-патериал қилиб келарсан.

Орадан бир ҳафта ўтгандан сўнг Собирқул бўлим мудирининг столига тортинибгина уч-тўрт варақ қоғозни қўйди.

— Бу нима? — деди Холхўжа таажублангандек. — Ҳм-м! «Бригадирнинг бир куни». Очерк! Иби, балосан-ку! Мен сени ҳали репортаж ҳам ёзолмасанг керак, деб юрибман.

Шошма, бу қаҳрамонинг «Учқун» колхозининг бригадирими? Бўлмайди!..

— Нега?! — Собирқулнинг ранги оқаринқиради. — Бош агрономни ўзи тавсия қилди. Кўрдим, ғўзаси ҳам яхши.

— Ғўзаси яхши бўлса яхшидир, лекин ўзи нокас одам. Хасис одам. Бултур қишда ўнтагина тарвуз сўрагандим, бермади, бемаза! Ёзда «БАМ»га вагон-вагон жўнатишаётганини эса ўз кўзим билан кўрувдим. Яна денг, у киши ҳақида мен аҳмоқ қуруқдан-қуруққа дастурхондай саҳифа уюштирибман! Сенга бу гапларни ўн беш йилдан бери редакциянинг тупроғини ялаб келаётган тажрибали журналист гапиряпти. Ма, манави блокнотда райондаги яхши ва ёмон раҳбарлар, колхозчилар, ишчиларнинг фамилияси бор. Ушанга қараб қаҳрамон танла. Умуман, бундай қилсак, сен факт топиб келаверсанг, материални, мана, биз ўз номимиздан қойиллатиб ташлайверсак...

Собирқул нима деб жавоб қилишини билмасдан юзини четга бурди: «Одам ҳам шунчалик бўладими? Ҳар кун тушликка сомсага югураверганимдан-ку, чўнтакда шамол ўйнаб қолди. Тоғам ҳам мендан хафа, фермамга икки оёқли бўри оралатдинг», деб юрибди.

— Хафа бўлдинг-а? — деди Холхўжа ака унинг кўнглидан кечган гапларни сезгандек. — Бекорга ранжияпсан. Бу — ҳаёт қонуни. Биз ҳам ёшлигимизда катталарга роса факт ташиганмиз. Дажи-чи, бир марта шеър ёзиб, бўлим мудиримиз номидан бериб юборганман. Умрида корреспонденциядан нарига ўтмаган, қилтиллаган чол эди, бечора, севинганидан йиғлаб юборган эди. Эҳ, бекорга ме-

Собирақул Ҳафизовнинг ҳам ёсидан чиқиб,
ҳайрон бўлганича.

Холхўжа ака хонада уёқдан-буёққа пил-дираб юрар экан, асабий равишда қўл силтади.

— Четдан шунақа. Хотинларни кимдир тарвузга ўхшатганди. Ҳақ гап. Ёрилмагунча пишган-пишмаганини билиш қийин. Бизники эса хомлигича қолганлардан. Хом бўлмаса, Шойим қассобнинг хотинига баҳс қилиб, ҳафтасига янги бир куйлак кияман, дейдими. Ўзинг ўйлаб кўр, болта ушлаган қўл билан ручка ушлаган қўл ўртасида ер билан осмонча фарқ бор-а! Мен ўзим аслида фалсафа факультетини тугатганман. Ҳар бир гапимни логичний исботлаб беришим мумкин. Мана, гапимга қулоқ сол. Гоголь нима учун буюк. Сабаби — уйланмаган. Пушкин-чи? Хотини билан вақтида развод қилган. Албатта, бир балоси бордирки, шундай қилишган... Яна битта фалсафий гап айтайми. Борди-ю, дарахтдан узилган олма Ньютоннинг бошига тушмасдан, биронта аёлнинг бошига тушганда, у қонун-понун топаман деб ўйлаб ўтирмасдан, шартта еб қўя қоларди. Ҳа, хотиннинг нафси ҳакалак отгани ёмон бўлади. Ие, гап билан бўлиб, обед ўтиб кетаёзибди-ку, сомсага югур-чи! Сен хизматни қилавер, практиканг тугаганда, характеристикангни бошлаб ёзиб бераман...

— Эндигина бир-биримизга ўрганиб қолган эдик-да, устудент. Аммо яхши йигит экансан. Энди, ука, жўнаш олдидан яна бир хизмат қилиб кетасан. Уйда хотин томондан меҳмонлар келишган, десанг. Ўзимники бўлганда ҳам гўрга эди, қаттиқ нон кавшаб кетишаверарди. Лекин бемазалар хотин томондан-да! Хўш, кечга заказ сомса ташкил қилсанг, а? Охирги хизмат-да! Кейин боплаб, гулпарчин қилиб характеристикага имзо чекиб берардим. Нима дейсан?

Собирқул нима жавоб қилишини билмасдан ерга боқди. «Кечқурунги рейсга билет олиб қўйганман. Ҳамён ҳам ўзига яраша. Йўқ, десам бўлмаса», деб ўйлади.

— Қўл қўяверинг, устоз, — деди ниҳоят Собирқул бошини кўтариб. — Сомса бўлади.

— Ҳалигисидан ҳам оласан-да, а? — дея хурсанд бўлиб кетди Холхўжа ака. — Бўйни узундан чойнакка солдириб... Кетдингми, хай!.. Мен кутиб ўтираман-а. Уйга телефон қил. Ие, кетиб қолди-ку! Ҳой, алдамайсанми?

Дарҳақиқат, кечга яқин Собирқул сим қоқди. Телефондан: «Сомса пишди, етиб келинг», деган сўзлар эшитилди-ю, сўнг қисқа гудок янгради.

«Оббо, ҳали ёш-да, шошгани-шошган, — тўнғиллади Холхўжа ака меҳмонларнинг орқасидан чиқар экан. — Қаердалигини ҳам айтмади. Ўша таниш сомсахонада бўлса ке-

рак-да. Ишқилиб, ҳалигисидан ҳам олган бўлсин...»

Кунботар олдидан шаҳар чеккасидаги чойхоналардан бирида Холхўжа ака меҳмонлари давраида қовоғини уйғанча сомса қавшар, «студент»ни барча сомсахоналардан излаб чиққанлигидан оёғи зирқираб қақшар, умрида биринчи марта ёнидан пул тўлаганиданми, сомса бу гал негадир тахир туюлар эди.



БЕРМУД БУРЧАГИ

Кун иссиқ. Осмонда бир тутам ҳам булут кўринмайди, гўё куннинг иссиқлигидан у эриб кетгандек. Тупроқли кўчанинг икки бетида саф тортган дарахтлар ҳам иссиқдан мудраб, пинакка кетишгандай япроқларини қилт этказишмайди...

Дарахтлар соясидан аста-секин қадам босиб келаётган икки киши — бири шу қишлоқлик Лаълихон, иккинчиси шаҳарлик куёв Парпихўжа гўё иссиқни сезишмагандай бир-бирларининг пинжларига суқилишганларича чақчақлашиб боришарди.

— Шу пайтгача сизсиз қандай ҳаёт кечирганлигимни сира ҳам тасаввур қилолмаяпман, — деди Парпихўжа қайлигининг сумка-

сини олиб билагига осаркан. — Наҳотки, шу ёруғ дунёда мен ҳам бор бўлган бўлсам, наҳотки... Ие, қаранг, сумкангизнинг замоғи бузилибди, эссиз-а... Шу десангиз, ўртоқларим ҳам ҳайрон: «Анча тартибга тушиб қолдинг», дейишади. Сиз менинг бахт юлдузим... Лекин-чи, кўчаларинг роса расво экан, цейлонски туфлимни ҳам абжағи чиқди. Ҳа, ҳа, ишонаверинг. Сиз ҳали мени билмайсиз, сизни кафтимда эмас, бошимда олиб юраман...

— Ростданми? — Лаълихон эркаланиб, эрига ғамза билан боқди.

— Э-э, ким деб ўйлаяпсиз мени?

— Ҳо-ов, йигит!

Парпихўжанинг гапи бўғзида қолди. Биров хирхироқ овоз билан чақиргандай бўлди. У ёнига ўгирилиб, серсоя қайрағоч тагида ўтирган кимсани кўрди. Уларнинг бири бошига шапош¹ кийиб, увадаси осилиб ётган қора лас чопон устидан қил арқонни икки айлантириб ўраб олган чол, иккинчиси эса соқоли ўсиқлигидан энгагига типратикан боғлаб олгандек кўзга ташланадиган, ислиқи костюм ичидан ялтироқ галстук таққан, бир қўли йўқ — чўлоқ киши эди.

Чўлоқ одам корсон товоқда бир қўллаб қизил лойни ийлаб пиширар, соқолидан лойга чак-чак тер томчиларди. Белига арқон боғлаган чол эса чўлоқдан ўн қадамча нарида «бузоқ оёқли» табуреткада ўтирар, олдидаги ёзилган белбоғда эса ярим халта қурт, бир кострюль қовурилган писта, уч қути

¹ Шапош — бош кийими (қалпоқнинг тагидан кийилади),

«Прима» сигарети, ярим кулча сақич, икки боғлам қуриган гармдори, бир тутам ҳазорисвон, писта ўраш учун «Ўқиш китоби» дарслиги...

Чақирган ана шу чол эди.

— Ўв-в, йигит! — деди у яна лабини кўвача қилиб. — Бунақа хотинмижозлигингни шаҳарингга бориб қиласан, ҳа! Бу ерни қишлоқ дейди, бача!

Парпихўжа тўсатдан бошига мушт тушган одамдай гангиб қолди. Ағрайиб хотинига қаради.

— Кетайлик! — Лаълихон ранги оқарганча эрининг енгидан тортди. — Булар ёмон одамлар...

— М-мен, мен нима қилдим? — ҳайрон бўлиб сўради Парпихўжа.

Чўлоқ бир лаҳза лой муштлашдан тўхтаб ўқрайганча гапга аралашди.

— Нима қилдим эмиш! Уялмасдан хотинчаларини сумкасини билакларига олиб олибдилар-ку, яна нима қилдим дейди-я! Уйингда идиш-товоқни ҳам эҳтимол ўзинг ювсанг керак! Ундан кўра аёлларнинг иштонини кийиб юрсанг-чи, баччагар!..

Парпихўжанинг бошидан иссиқ ҳовур кўтарилгандек бўлди, қўллари, беихтиёр мушт бўлиб тугилиб, олдинга икки қадам ташлади. Лаълихон додлаганча эрининг йўлини тўсди:

— Вой-дод! Керакмас... Булар ёмон одамлар!

Чўлоқ иргиб ўрнидан турди, оғзидан тупук сачратганча Парпихўжага қараб, яккаюгона қўлини силкитди:

— Ҳали урмоқчимисан?! Ур, қани! Ур-р,

даъюс! Кўрай-чи, инвалид оламни қанақа қилиб ураркансан! Мен бу қўлни сени уради, деб урушда йўқотиб келганим йўқ. Қани, чертиб кўр-чи! Энангни!..

Парпихўжанинг устидан муздек сув қуйилгандед сесканиб кетди: Уруш инвалидига қўл кўтарибди-я!

— Ҳой, носкаш! Ҳой, чўлоқ! Нега бу куёв болага ёпишиб олдиларинг...

Гапирган хотин киши эди. Парпихўжа шошиб ён томонига қаради. Ариқнинг бу бетидаги якка гужум соясида сомон тиқилган қоплек бўлиб бир аёл шолча устида чордана қуриб ўтирарди. Олдида катта челақда айрон ва сири кўчган кружка. Парпихўжанинг боши гангиб, ҳали унга назари тушмаган экан.

— Нима қиласанлар куёв болага тармашиб, — сўзида давом этди ҳансираганича аёл енгини елпиғич қилиб елпинганча. — Ахир бу шўр пешонада нима айб. Ҳаммасига ана у ёнидаги урғочиси айбдор. Ёшлигида ҳам ўлгудай суюқоёқ эди. Ўнтага хат бериб, ўнтасига кўз қисар эди. Мактабида Жамила¹ бўлиб ўйнаб тегирмончининг ўғлига муччи берганида ҳали ўн олтига кирмаган эди, яшшамагур! Пахтазор чеккасидаги зовурда нуқул ўғил болалар билан чўмилгани-чўмилган эди! Шаҳарга ўқишга бориб, бир бандамўминнинг боласини алдаб тегиб олгани етмагандай, яна унинг тушовини ҳам қўлига олволибди. Мани уйдаги фариштадай қизим ўттизга кирса ҳам, эр йўқ... Асли бунинг онаси худо урган бузуқи эди! Ҳа, машойих-

Жамила—«Бой ила хизматчи» драмасидаги образ,

лар бекорга билиб айтишмаган: «Чархни бузар парраси, қизни бузар онаси». Хў-ў, туркингни шамол олсин!

Лаълихон ўқ теккан оҳудек беҳол бўлиб, эрининг билагига осилиб қолди. Парпихўжа эса безгак теккан одамдек дағ-дағ титрарди.

— Энди сен шундай дейсан-у, Ойсара, — сўз навбати белини қил арқон билан боғлаган чолга тегди. — Аммо, шу шўртумшуқ йигитда ҳам айб бор-да. Мана шунақанги ҳезалаклар хотинининг сочини кестиради. Одеёлнинг ўртасини тешиб куйлак қилиб кийдиради... Кеча Тошкентда ер қимирлади, бу нимадан? Нимадан бўларди, мана шунақанги яланғоч, беҳаёларнинг кўпайиб кетганлигидан! Хотинига кучукваччадай ишқаланган одамни кўрсам-чи, жиним қўзийди. Аёлга бош эккан эркак, кучук ғажиган қошиқдай гап...

Шу пайт орқасида «чанг тепа» ҳосил қилиб келаётган «Волга» машинаси уларнинг ёнига келиб тўхтади: кабина эшиги шитоб билан очилиб, кетмон нусха шапка кийган шофёрнинг боши кўринди:

— Қани тезроқ! Тезроқ машинага чиқинглар! Вой бечоралар...

* * *

Очиқ турган дарвозадан «Урал»ини патиллатиб кирган Тилла ака ишком остидаги тахта каравотда якка ўзи чой ичиб ўтирган Парпихўжага кўзи тушиб хурсанд бўлиб кетди. Мотоцикл ғажавасидаги боғлам ўтни

олишни ҳам эсдан чиқариб, меҳмонга пешвоз юрди.

— Э-э... нега чап кўзим учади десам... Яхши келдингизми, куёв? Лаъли ҳам келдими?..

Парпихўжа қайнотаси билан қўл бериб кўришаркан, ҳорғинлик билан деди:

— Ҳа-а!.. ичкарида ётибди. Иситмаси баланд, онаси пешонасига латта босаяпти...

— Ие, нима қилди? Қасалмиди?

— Гузарларингизда учта итни боғлаб қўйган экансизлар, иккаламизни ҳам талаб ташлади! Мени ҳам мазам қочиб борапти.

Тилла ака шошилганча ичкари уйга йўл оларкан, ўзича ҳайрон бўлиб пўнғиллади:

— Қишлоқдаги кучукларни ярим ой бурун келиб ҳаммасини отиб кетишган эди-ку! Ё, битта-иккитаси яшириниб...

Парпихўжа вужудида беҳоллик сезиб, чойнакни дастурхоннинг бир чети билан беркитди-да, қўлтиғига ёстиқни тортиб, ёнбошлади... Ёнбошлаган эдики, дарвоза томондан қиз боланинг йиғи овози эшитилди. У чўчиб бошини кўтарди: ўнинчи синфда ўқийдиган қайин синглиси Хуршида йиғлаб келарди.

Уйдан Тилла ака ҳовлиқиб чиқди:

— Ҳа-ҳа! Тинчликми она қизим? Ким хафа қилди?!

Хуршида ўлкасини босиб ололмасди.

— А ... анови... С-салимнинг вел-велосипедида катайса қилаётган эдик, г-гузарга келганда, а-а-анови чўлоқ, я-яна анови мўйсафид би-билан с-семиз хотин, тўхташиб ёмон гап... гапларни гапиришди.

— Нима дейишди?.. — Тилла ака асабий-

лашганча тилининг тагига тўлдириб нос ташлади.

— Ай-ай-айтолмайман! — Хуршида ўкирганича ичкарига югуриб кириб кетди.

Тилла ака лабини чўччайтириб сўкинди, сўнг ғазаб билан носини тупуриб ташлади:

— Кўчиб кетсак қутуламизми буларнинг дастидан!..

— Ким ўзи улар? — сўради ҳалидан бери жим ўтирган Парпихўжа.

— Ким бўларди. Биттаси қариб сўфи бўлган чол. Ёшлигида ғирт ўғри бўлган, икки марта қамалиб чиққан. Иккинчиси бир замбил гўшт хотин. Қишлоқнинг кинначиси, қўшмачиси... Сасиб, қизларга кун бермайди. Яна бири келгинди чўлоқ, бир қўли йўқ...

— Ҳа-а, урушда қўлини олдирганими?

— Қанақанги уруш... Бир вақтлар заводда ишлаганда кайфининг зўрлигидан станок қўлини юлиб кетган. Урушда қатнашганман деб бировга гап бермайди. Хужжатинг борми десак, «йўқолган» деб хир-хир кулади. Бу учаласининг иғвогарлигидан бутун қишлоқ қалқиб турибди. Гузардан ўтгани зириллайсан киши...

Парпихўжа ёстиқни бир четга улоқтириб, тиззалаб ўтириб олди.

— Наҳотки бир қишлоқ одам учта маразни йўқ қилолмасанглар?

Тилла ака асабий ҳолатда қўл силтади.

— Э, нимасини айтасиз, дўқ ҳам қилдик, мажлисга ҳам солдик. Қайда! Қайтага дўқ қилган одамларни устидан бўлмағур иғво хатлари ёзишиб, хонумонини куйдириб юбораёзди. Мен сизга айтсам куёв, касалларнинг ичида энг расвои-раддиси — иғвогарчилик

бўлар экан! Мен борай. Булар билан бошқача гаплашмаса бўлмайди шекилли...

Тилла ака ғазаб билан ташқарига чиқиб кетди. Ҳовлига тошдек оғир сукунат чўкди. Парпихўжа нима қилишини билмай бир оз қаққайиб туриб қолди, сўнг беихтиёр ёнида турган «ВЭФ» радиоласининг мурватини бурди. Аллақандай нотик ваъз ўқиётган экан:

— ...Шундай қилиб бу зона «Бермуд учбурчаги» деб аталмоқда. Бу «учбурчак» зонасига кирган ҳар қандай жонли ва жонсиз нарсалар фалокат гирдобига фарқ бўлиши турган гап...

Парпихўжа радиолани ўчириб, ўрнидан турди.

— Хайрият-э! Бермуддан ҳам хавфлироқ «учбурчак»дан ўтиб олибмиз! Тезроқ борай, тагин Тилла амакимни бу гирдоб ўзига тортиб кетмасин...

МУНДАРИЖА

Мартабадошлар байрами	3
Хотиннинг қариндоши	7
Тортишув — ақл қайроғи	20
Шахсий услуб	25
Сигарета ҳақида ўйлар	31
Айлана	34
Портфель	39
Шапалоқ	42
Қўйга ем бўлган Қўзивой	55
Қорбобо интервью олади	77
Ғалати жумбоқ	82
Нусратнинг кундалиги	87
Холхўжа хафа бўлди	91
Бермуд бурчаги	99

Очилов Муҳаммад.

„Бермуд учбурчаги“. [Ҳажвий ҳикоялар] Т. „Ёш гвардия“, 1989. — 112 б.

Талантли ёш ҳажвчи Муҳаммад Очилов Сизга тақдим этаётган тўпламида мансабпараст ва эгонист, қаллоб ва кўзбўямачи, лақма ва жўн одамлар устидан аччиқ кулади. Ҳикояларининг тили ширали, таъсирли. Бу ҳажвияларни ўқиб, мийингизда кулиб қўйсангиз, демакки бу асарлар Сизга маъқул бўлган деб умид қиламиз.

Ачилов М. „Бермудский треугольник“
Юмористические рассказы.

На узбекском языке

Муҳаммад Ачилов

БЕРМУДСКИЙ ТРЕУГОЛЬНИК

Юмористические рассказы

Литературно-художественное издание

Ташкент, издательство „Ёш гвардия“, 1989

Такризчи Н. Аминов
Редактор Тўлқин
Рассом Б. Тухтабаев
Расмлар редактори Х. Рахматуллаев
Техн. редактор У. Ким
Корректор Б. Юнусов

ИБ 2525

Теришга берилди 18.04.89. Босишга рухсат этилди 14.08.89.
Р 08887. Формати 70×90^{1/32}. №1 босма қорозга «Литератур-
ная гарнитурада юқори босма усулида босилди. Босма лис-
ти 3,5. Шартли босма листи 4,09. Шартли кр. отт. 4,38.
Нашр. листи 3,59. Тиражи 15000. Буюртма 2890/9. Шартно-
ма 96—88. Баҳоси 25 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Ёш гвардия» нашриёти. 700113. Тошкент, Чилонзор масси-
ви, 8-квартал, «Правда» газетаси кўчаси, 60.

Самарқанд шаҳридаги Морозов номли Полиграфия ишлаб
чиқариш бирлашмасида тайёрланиб, Ўзбекистон ССР Наш-
риёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат коми-
тети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бир-
лашмасининг 2-босмахонасида босилди. Янгийўл шаҳри,
702800. Самарқанд кўчаси, 44.

Ўзбекистон ЛҚСМ Марказий Комитети «Еш гвар-
дия» нашриёти 1989 йилда қуйидаги китобларни нашр
этди:

Бўрибой АҲМЕДОВ
УЛУҒБЕК

Омон МУХТОР
ЭГИЛГАН БОШ

Абдулла ШЕР
СУНГГИ НУҚТА

Хуршид ДУСТМУҲАММАД
ҲОВЛИ ЧЕККАСИДАГИ УИ

Тўплам. КАМАЛАК

Лазиз ҚАЮМОВ
ҲАМЗА

Тўплам
ҚИРҚ БИР ОШИҚ ДАФТАРИ